

«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!



24.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Mahalla



№ 30
(2012)
2021 йил 24 июль

MAHALLA MARK

**ОЛТИ ОЙДА 954 ТА ЎЛИМ:
ҚАЧОНГАЧА ҚОДИСАЛАР
ҚАЛОКАТЛИ БЎЛАДИ?** 16.



Мазкур сурат газета архивидан олинган.

ИШ ҲАЖМИ ТУРЛИЧА, ЛЕКИН МАОШ БИР ХИЛ. НЕГА?

 3.

**МАЖЛИСБОЗЛИК
ҚОНИМИЗГА СИНГИБ
КЕТГАНМИ?** 18.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА
ЭСКИЧА УСУЛЛАРДАН
ВОЗ КЕЧА ОЛМАЯПМИЗ** 21.

**«АЛҲАДАЯ»
КАСАЛЛИКНИ
ДАВОЛАМАЙДИ**



10.

**БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚИ
— БИР КИЛОГРАММ
ГЎШТ НАРХИ**



13.

**ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ
ИМИ-ЖИМИДА СОТИБ
ЮБОРИЛЯПТИМИ?** 23.



2021 йил 23 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни этиб 24 октябрь санаси белгиланди. Шунингдек, 23 июль санасидан расман сайлов кампаниясига старт берилгани эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев Президент сайлови янгиланган миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошқора ўтказилишини алоҳида қайд этди. Илк бор Сайлов кодекси асосида ўтадиган Президент сайлови давлат раҳбари даврийлик принци-

пи асосида сайланиши таъминланади. — Бугунги кунда қарийб 21 миллион нафар фуқаро сайловчилар ягона электрон рўйхатига киритилган, — дейди Зайниддин Низомхўжаев. — Сайловда 14 та сайлов округи ва 10 минг 776 та сайлов участкаси тузилиши режалаштирилган. Шу вақтгача республика ва ҳудудий тренерлар гуруҳи томонидан 33 минг



нафарга яқин сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари ва котибликка номзодларнинг билим ва малакаси оширилди. Қолаверса, участка сайлов комиссиялари аъзоларини Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва СЯЭР билан ишлашга ўргатиш бўйича махсус ўқув режа ва дастур ишлаб чиқилган. 33 минг нафарга яқин ахборот тизими операторлари босқич-

ма-босқич тайёрланади.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда сиёсий партиялар сони яна биттага кўпайиб, партиялараро рақобат сезиларли даражада кучайди. Шунга кўра, бу йилги сайловда бешта партия — «Адолат» Социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Либерал демократлар партияси (Ўз-

ЛиДеП), Халқ демократик партияси ва Экологик партия ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга бўлади. Мажлисда сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шароит яратилиши алоҳида таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таъкидлашича, яқинда «Ижтимоий фикр» нодавлат жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўровлар натижасида 2021 йил Президент сайлови йили ҳисобланиши ҳақида аҳоли хабардорлигининг барқарор юқори даражаси аниқланди. Сўровда ишти-

рок этганларнинг 90 фоизга яқини «2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтишини биласизми?» деган саволга ижобий жавоб берган, 86,6 фоиз фуқаролар эса сайловда иштирок этишини билдирган.

Эслатиб ўтиш жоиз, аввалроқ сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларга 300 млрд. сўм маблағ ажратилгани хабар қилинган эди. Умумпартиявий тадбирлар ва номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва тарғиботида жами 15 млрд. 486 млн. сўм йўналтирилади, бу — ҳар бир номзодга 3 млрд. 97 млн. сўмдан тўғри келади, дегани.



НОМЗОДЛАР ОММА ОЛДИДА ДЕБАТ ЎТКАЗАДИМИ?



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясига старт берилиши ортидан «Номзодлар омма олдида дебатлар ўтказиладими?», деган савол кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Мазкур масалага сайлов қонунчилиги нуқтаи назаридан тўхталиб ўтсак.

✓ Сайлов кодексининг 44-моддасига кўра, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилдиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир, деб



белгиланган. Ҳали партиялар номзодларини эълон қилишмаган экан, демакки, бугундан бошлаб сайловчиларни ўз партияларини ёқлаб овоз беришга ундаш билан шуғулланишлари мумкин. Кейинчалик номзод рўйхатга олинса, номзодни ёқлаб ундашга ўтишлари мумкин бўлади.

✓ Кодекснинг 45-моддасига кўра, «ташвиқот омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари,

фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин».

Биз айтётган дебат масаласи ҳам ушбу қисмда акс эттирилган бўлиб, дебат омма олдида очиқ мунозара олиб боришнинг бир шакли сифатида намоён бўлмоқда. Ташвиқотнинг ушбу шаклидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик

номзод ёки партияларнинг мутлақ ҳуқуқи.

Лекин дебатлар дунё сайлов тизимидаги энг демократик, замонавий сайловолди ташвиқоти эканлигини инobatга олсак, бу шакл ўзбекистонлик сайловчилар учун ҳам маъқул келган бўларди. Партиялар ва номзодлар буни инobatга олишади, деган умиддамиз.

✓ Яна бир муҳим масала шундаки, Сайлов кодексининг 44-моддасига асосан, сайлов

комиссиялари аъзоларининг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади.

Оддий айтганда, номзодлар дебатлар ўтказадими-йўқми, бу каби ишларга аралашиш ёки шуғулланиш Марказий сайлов комиссияси вакилларига мумкинмас. Демак, бу саволни уларга беришнинг ўзи ҳам унчалик тўғри бўлмайд.

Номзодлар аниқ бўлгунга қадар бу саволга партиялар жавоб бергани маъқул.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Президент сайловини Ўзбекистон фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширади. Ушбу лавозимга 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Президенти беш йил муддатга сайланади.

ИШ ҲАЖМИ ТУРЛИЧА, ЛЕКИН МАОШ БИР ХИЛ. НЕГА?

Бугунги кунда юртимизда 9251 та фуқаролар йиғини, шундан 41 та шаҳар фуқаролар йиғини, 81 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 164 та овул фуқаролар йиғини, 8965 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда.

Уларнинг географик жойлашуви – ҳудуднинг катта-кичиклиги, аҳолининг жойлашуви, кам ёки кўплиги турлича. Лекин **меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар** деярли бир хил: посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинлари раислари 7, шаҳарлар ҳудудидан ташқарида жойлашган маҳаллалар фуқаролар йиғинлари 6 разряд бўйича (*Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2 млн. сўмдан ортиқ*) ойлик маош олишади.

Айнан ана шу ойлик маошлар бир хил белгиланганлиги аксарият фуқаролар йиғинлари раисларида эътироз уйғотмоқда.

Қабул қилинган ҳуж-

жатларга кўра, камида **500 та оила яшайдиган аҳоли ҳудудида фуқаролар йиғини ташкил этилиши керак.** Лекин камида **100 та оила** яшайдиган бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳамда ҳарбий шаҳарчаларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Булоқбоши туманидаги «Шарқ Юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойшахон Ҳайдарованинг айтишича маҳалласида 1032 та оила бор. **Учқудуқ туманидаги Мингбулоқ овул фуқаролар йиғини** раиси Назарбек Ережеповнинг таъкидлашича, ҳудудида 487 нафар аҳоли яшайди. Ана шу тумандаги **Боздун овул фуқаролар йиғини**да эса бор-йўғи 186 нафар аҳоли, 44 та оила бор, холос.

Тахририятимизга фуқаролар йиғинлари раисларидан келаётган мурожаатлардаги бирдан-бир эътироз ҳам айнан шунда, 500 та оила мавжуд фуқаролар йиғини ходимлари учун ҳам, 1000 дан ошиқ оилалари бор маҳалла фуқаролар йиғини ходимлар учун ҳам бир хил ойлик

маош тўланмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, кўп оиласи бор маҳаллада иш ҳажми ҳам, югур-югури ҳам кўп бўлади. Демак, бу масалани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутасаддилари қайта кўриб чиқиши лозим.

Яна бир муаммо шундаки, фуқаролар йиғинлари жойлашуви турлича: баъзи ҳудудларда аҳоли тарқоқ – 20-30 километр масофада бўлса, баъзи ҳудудларда зич – 1-3 километрда жойлашган. Бу ҳам йиғин ходимлари иш фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. 1-3 километрни айланиб, ўрганиб чиқиш қайдаю 20-30 километрни айланиб, аҳоли билан мулоқот қилиш қайда?

– *Маҳалламизнинг учтидан бу четигача 21 километр, – дейди Булоқбоши туманидаги «Шарқ Юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойшахон Ҳайдарова. – Бу эса иш фаолиятимизга ҳам таъсир қияпти. Айниқса, ҳар бир оила билан мулоқот қилишда кўп вақт йўқотяпмиз. Баъзи оилаларга бир ой деганда кириб борапмиз. Зич*



жойлашган, айниқса, кўп қаватли уйлardan иборат маҳаллаларда эса бу муаммо эмас. Шу боис вазирлигимиз бу масалани ҳам ўрганиб чиқишса яхши бўларди. Таклифим, бундай йиғинларга қўшимча, айниқса, ҳужжатлар билан ишлаш учун алоҳида котиблик штати ажратилиши керак.

Дарҳақиқат, республикамиздаги баъзи фуқаролар йиғинлари аҳолиси жуда тарқоқ жойлашгани боис учтидан бу чети кўринмайди, ҳатто оилалар ҳам бир-биридан анча олисда жойлашган. Бундай йиғинлар туман марказларидан ҳам анча узоқ. Масалан, юқоридаги Мингбулоқ овул фуқаролар йиғини туман марказидан 67 км. узоқликда жойлашган. Мутасаддилар мана шундай йиғинларга қандайдир автоулов бериш йўлини ҳам излаб кўриши лозим, ҳатто кредитга бўлса ҳам.

– *Президентимиз ташаббуси билан маҳалла раисларининг иши 60 фоизга енгиллаштирилиб, бир қатор ваколатлар берилганидан миннатдоримиз, – дейди Андижон тумани «Мингўрик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёржон Холматов. – Лекин йиғилишлар камаймаяпти. Эрталаб 6:00 дан йиғилиш, кечқурун 19-20 ларда яна йиғилиш. Туман маркази яқин бўлса ҳам майли – 35 км. Олаётган 2 млн. сўм маошимиз эса ана шундай йиғилишлару тадбирлардан ортмаяпти.*

Билдирилаётган яна бир масала шундаки, фуқаролар йиғинлари раисларининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбоса-

ри штати қишлоқ, чўл, тоғли ҳудудларда ҳам, шаҳар марказидаги маҳаллаларда ҳам жорий этилган. Бироқ чўл, тоғли ҳудудлардаги маҳаллаларда ободонлаштириш, томорқачилик ишлари кам бажарилади. Шаҳар марказларида, айниқса, кўп қаватли уйлarda эса томорқачилик иши йўқ, ободонлаштириш ишлари ҳам кам.

Хўш, томорқаси бўлмаган маҳаллалардаги ушбу штатдаги ходимлар нима иш билан шуғулланишади. **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходими Собир Исмоиловнинг таъкидлашича,** улар ободонлаштириш ва тадбиркорлик билан шуғулланишади.

Газетамизнинг ҳар бир сониди фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид ҳамда йиғин ходимларини қийнаётган кўплаб муаммолари масалалар, хусусан, масъул котиб ва маҳалла посбони штатини жорий этиш, ойлик маошларини ошириш, солиқ йиғимлар ва турли мажлисларга жалб этиш, автомобиль бериш бўйича туркум мақолалар эълон қилинмоқда.

Минг афсуски, фуқаролар йиғинлари ходимларининг бундай муаммоларини ҳал этиш борасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан етарлича чоралар кўрилмаяпти. Уйлаймизки, юқоридаги каби фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид муаммолари масалаларни ўрганиб, ташкилий масалалар қайта кўриб чиқилади.

Р.ЮСУПОВ.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛАМИЗ 2023 ЙИЛДА ДАСТУРГА КИРИТИЛАРКАН...»

Маҳаллага 3 йилдан бери раислик қилман. Менгача йиғинимизнинг ўз биноси ҳам бўлмаганди. 2018 йилда ўз ҳисобимдан маҳалла фуқаролар йиғини учун бир хона қурдим. Кейин бу ишга маҳалла аҳолиси ҳам қўшилди. Ҳозирда маҳалламиз биноси янгидан барпо этилмоқда.

Бу ерда ходимларимиз ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳокимият томонидан 2 дона компьютер жамланмаси тақдим этилди. Эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, ўз ҳисобимдан рангли принтер сотиб олдим. Ахир, ўзимиз ҳам иш шароитимизни яхшилашимиз керак-ку! Фақат давлатдан бер-бер, деявермасдан, имкон борида шароит яратяпмиз.

Маҳалладаги ижтимоий муаммолар ҳам аста ечиляпти. Аммо бир неча йилдан бери кўчаларимиз ёзда чанг, қишда лой бў-

либ ётади. Асфальтлаш ишларини бошлаш учун бир неча бор мутасаддиларга мурожаат қилдим. Айтишларича, маҳалламиз 2023 йилда дастурга киритиларкан.

Ичимлик сув масаласида муаммо йўқ. Фақат оқова сувдан бироз қийналамиз. Одамлар ички имкониятдан келиб чиқиб, томорқа учун ер остидан сув чиқариб олишган.

Аҳолининг моддий аҳолиси яхши. Деярли кам таъминланган фуқаролар йўқ. Мисол учун, «Аёллар дафта-

ри»га киритилган 34 нафар хотин-қизнинг барчаси ишли бўлди. Ёки «Ёшлар дафтари»даги 35 нафар фуқарога ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ишсизлар иш билан таъминланди. Тадбиркорлик йўналишида имтиёзли кредитлар олиб берилди.

Маҳалламиз аҳолисининг асосий даромад манбаи деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

**Аҳмад РЕЖАББОВ,
Шовот туманидаги «Кангли» маҳалласи раиси.**

COVID-19. ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ НИМАНИ КЎРСАТАДИ?



Алишер ШОДМОНОВ,
Тошкент тиббиёт
академияси ректори,
профессор.

2021 йил 23 июль ҳолатига кўра, дунёнинг 191 та давлатида коронавирусга чалинганлар сони 193 миллион нафардан зиёдни ташкил этди, улардан 176 миллион нафардан яқини соғайган, 4,1 миллион нафардан ортиғи вафот этган, 82 минг нафардан зиёд бемор оғир аҳволда қолмоқда. Охирги сутка ичида қўшимча 88 минг 444 та янги касаллик ҳолати қайд этилиб, 1 минг 575 нафар бемор ушбу касалликдан вафот этди.

2021 йилнинг 22 июль ҳолатига кўра, республикамизда жами касалланганлар сони 122 минг 786 нафарни, соғайганлар 117 минг 303 нафарни, вафот этганлар эса 819 нафар кишини ташкил этмоқда.

Ушбу рақамларни бошқа мамлакатларники билан солиштирганда, инфекцияни юқтирганлар сони ва ўлим даражаси анча пастлигини Президент раҳбарлигида қабул қилинган тезкор ва самарали қарорлар, шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда назорат қилиш бўйича олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижаси эканидан далолат беради.

Ниқоб тақишни нега унутдик?

Аммо ҳозирги кунда аҳолининг маълум контингенти ўртасида карантин талабларига эътиборсизлик кузатилмоқда, яъни тиббий ниқобсиз юриш ёки ниқобни тўғри тақмаслик ҳолатлари, тўй-ҳашамларда,



турли тадбирларда иштирокчилар сонининг кўплиги, зарурат бўлмаганда ҳам жамоа бўлиб йиғилиш, натижада ижтимоий масофага риоя этмаслик ҳолатлари ва бошқалар.

Виждонан гапирадиган бўлсак, ҳеч биримиз карантин қоидаларига қатъий амал қилмаяпмиз. Мисол учун, оддий тиббий ниқоб тақиш қоидаларига риоя қилишни олсак. **Ким шу қоидага тўғри бажаряпти?** Ҳар 2 соатда ниқобни алмаштириб турибмизми? Бир марта ишлатилиши лозим бўлган ниқобларни «кўп марталик» қилиб тақмаяпмизми? Чўнтагимизда олиб юриб, эл кўзи

учун ниқобни тақмаяпмизми? Ёки ижтимоий масофани сақлаш масаласи. Тўй-ҳашамларни қандай ўтказаяпмиз? Меҳмондорчиликларимиз кўпайиб кетмадимми? **Аччиқ тажрибамиз шунчалик тез эсдан чиқдимми?** Буларнинг барчаси аҳоли ўртасида касалликнинг яна тарқалишига сабаб бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги сўнгги бир кунда Ўзбекистонда коронавирус аниқланганлар фуқаролар сони 738 нафарга, пневмония қайд этилганлар сони эса 500 нафарга яқинлиги ҳақида хабар берди. Пандемия бошидан бери бу ўрнатилган антирекордимизга ўзимиз

сабабчи эмасмизми?

Аҳоли ўртасида касалликни камайтириш учун манбани эрта аниқлаш, яъни юқори нафас йўлларида яллиғланиш аломатлари (иситма, йўтал, грипп) бўлганларни эрта касалхонага ётқизиш, эҳтиёт чораларини кўриш (тиббий ниқоб тақиш, нафас олиш ва қўл гигиенаси, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш), ижтимоий масофани сақлаш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича тадбирларни талаб даражасида бажариш лозим.

Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Барчамиз зийраклик ва эҳтиёткорлик билан оддий карантин қоидаларига, яъни **тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига** тўлиқ амал қилишимиз лозим. Қатъий интизом, мустаҳкам ирода, юксак маънавий жасорат, мардонавор бирдамлик билан ХАЛҚИМИЗ коронавирус балосини, албатта, енгиб ўтади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛАЛАР МАЪЛУМ БИР СОҲАЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛСА...»

Маҳалламизда 2978 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ишсизлик муаммоси бизда ҳам бор. Аслида иш йўқ эмас, лекин меҳнат ҳақи кам. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўйича кластерлар фаолият кўрсатяпти.

Албатта, уларга ишчи керак. Лекин 300-400 минг сўм эвазига ким офтоб тиғида бир ой меҳнат қилгиси келади.

Маҳалла фаоллари бу борада аҳолига кўмак беришга ҳаракат қилмоқда. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» бўйича фаол иш олиб бордик. Хусусан, 217 нафар ёшга такрорий экин экиш учун 25 сотихдан ер ажратилишида бош-қош бўлдик. Бу йил экинлар учун сув етарли. Худо хоҳласа, яхши ҳосил олишади.

Бундан ташқари, кредит асосида 6 кишига кичик тракторлар сотиб олишига кўмаклашдик. Бу техника ҳамма юмушни бажаришга қулай экан. Шунингдек, ҳудудимизда 2 та хонадон

лимончилик билан шуғулланади. Улар билан бу борадаги тажрибаларини бошқа ҳамқишлоқларига ҳам ўргатиши масаласида маслаҳатлашдик. Бажонидил рози бўлишди.

Шу ўринда бир таклифим бор. Яъни аҳоли қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллалар маълум бир соҳаларга ихтисослаштирилса ва уни ривожлантириш бўйича ёрдам берилса, бандлик масаласида ижобий ўзгаришлар юзага келарди. Мисол учун, бизнинг маҳалламизда чорвачилик учун имкониятлар бор.

Шокир ВАФОЕВ,
Олот туманидаги
«Пичоқчи» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАЪЛУМОТНОМА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

— Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома олиш тартиби қандай?

Озод ЖУМАНИЁЗОВ.
Хоразм вилояти.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари:

— Ариза берувчи бундай маълумотни олиш учун, аввало, Давлат хизматлари марказларига мурожаат этади ёки хизматдан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда сўровнома тўлдирлади. Сўровнома тўлдирилгач, ариза берувчи маълумотлар тўғрисидаги текшириб, уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва ваколатли органга электрон тарзда юборди.

Ваколатли орган сўровнома келиб тушган

кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида QR-код қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчи ЯИДХП орқали электрон равишда юборди. Хизматни кўрсатиш муддати — 2 иш куни. Маълумотномада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, 15 кун ичида ариза берувчи йиғим тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Хизмат нархи БҲМнинг 3 фоизи миқдоридан — 7 350 сўм, Ягона портал орқали топширилганда эса — 6 615 сўм тўлов амалга оширилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар катта даромад келтирувчи соҳага айланиб улгурган. Масалан, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти маълумотларига кўра, машҳур кино қаҳрамонлари ва ўқув-илмий нашрлардан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш натижасида тегишли давлатлар миллиардлаб доллар даромад кўрмоқда.

Шу боис, ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилгани ҳолда, уларнинг инвестициявий жозибдорлиги яхшиланган, унинг ички ялпи маҳсулотдаги улуши кескин ортиб бормоқда.

Мисол учун, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда эса 7 фоизни ташкил этади. Халқаро тажрибалар таҳлилидан кўринадик, бугунги тараққий этган асарият давлатлар иқтисодиёти юқори ўсишининг асосий омилларидан бири айнан интеллектуал мулк ва унинг мустақам ҳуқуқий ҳимояси таъминланганидир.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий фаолликнинг ошири бориши билан интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ДУНЁДА КАТТА ДАРОМАД КЕЛТИРУВЧИ СОҲА, БИЗДА ЭСА...

кўриляпти. Жумладан, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимида самарадорликни таъминлаш, идоралараро ишончли ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ишлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Бироқ бугунги кунда қонунчиликда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик, номулкий ҳуқуқларга дахл қилганлик учун жавобгарликнинг қатъийлаштирилмагани, маъмурий ва жиноий қонунчиликда умумий уйғунликнинг йўқлиги, белгиланган маъмурий жазони, айнан жаримани юридик шахснинг раҳбари мансабдор шахс сифатида тўлаб, бу каби ҳуқуқбузарликларни такрор давом эттираётганлик ҳолатлари учрамоқда.

Натижада интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя-

лаш бўйича ҳуқуқ эгаларидан асосли муурожаатлар билдириляпти.

Биргина 2020 йил давомида судларда интеллектуал мулк объектларига оид 241 та иш кўрилган бўлса, уларнинг 90 фоизи айнан товар белгиларига тааллуқли экани қайд этилди. Шу йили Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши томонидан интеллектуал мулкка оид 34 та иш кўрилди. Соҳадаги ислохотлар, ўз навбатида, мавжуд қонунчиликни жаҳон тажрибаси ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш, айниқса, иқтисодиётни инновациялаштириш интеллектуал мулк муҳофазасини мустақамлашни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 январдаги тегишли қарорига мувофиқ, ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида эса ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унда, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига оид қонун бузилиши ҳолатларини содир этганлик учун юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар ва уларнинг қўлланилиш механизми, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликда мавжуд чекловларнинг бекор бўлиши ўз ифодасини топган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, товар белгисини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни муайян муддатни (8 ой) талаб қилишини



инобатга оладиган бўлса, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказмасдан ёки тадбиркорлик фаолиятини амалда бошламасдан олдин товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ни рўйхатга олиш юзасидан талабнома топшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса келгусида ўзганинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ни ноқонуний ишлатиш каби низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасига интеллектуал мулк соҳасидаги айрим ҳуқуқ бузилиши ҳолатлари, хусусан, ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш ҳамда ўзганинг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун тегишли юридик шахсга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 баробаридан 200 баробаригача** миқдорда молиявий санкция (жарима) қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилмоқда.

Ўзганинг «номи»дан фойдаланиш қонунга хилоф!

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда фирма номларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ низолар сони борган сари

кўпаймоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган санкциялар миқдорининг камлиги, қонунчиликда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг мавжуд эмаслиги эса ҳуқуқбузарлик кўламининг ортиб боришига сабаб бўляпти.

Амалиётда айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа юридик шахсларнинг кенг жамоатчиликка машҳур бўлган фирма номидан ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз ўзининг фирма номларида фойдаланиши натижасида юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсига салбий таъсир кўрсатишига, истемолчиларда ушбу субъектлар томонидан ўзгаларнинг товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган контрафакт маҳсулотлар сабаб фирма номининг асл эгалари ҳақида янглиш тасавурлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Хусусан, «Knauf Gips KG», «Marmaks», «The Coca-Cola Company» сингари номлар мамлакатда қонунга хилоф равишда энг кўп фойдаланиладиган фирма номлари сирасига қиради.

Контрафакт озиқ-овқат, кийим-кечак, гигиена ва парфюмерия ҳамда бошқа хўжалик маҳсулотлари бўйича Интеллектуал мулк

агентлиги томонидан ишлаб чиқилган каталогдаги 300 дан ортиқ маҳсулотни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни, яъни товар белгисига оид мутлақ ҳуқуқнинг бузилаётганини кўришимиз мумкин.

Юридик шахслар томонидан ўзганинг интеллектуал мулк объектларидан ҳуқуқ эгасидан рухсат олманган ҳолда фойдаланилиши ушбу ташкилотларнинг фаолиятига бевосита тегишлидир. Айнан мазкур фаолият катта даромад кўришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам мутаносиб равишда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юридик шахсларнинг корпоратив жавобгарлиги бўйича нормаларнинг киритилиши ҳамда интеллектуал мулк соҳаси ўсишига катта йўл очади. Интеллектуал мулк объектларига эга бўлиш ривожланиш йўлига қадам қўйган миллий компаниялар учун ўзига хос нуфузни ва эътирофни англатади. Бу борадаги қонунчиликни қатъийлаштириш мамлакатга ўз товар белгиси ёки саноат намунаси билан кириш истагида бўлган чет эллик инвесторлар учун яхши маънода «қўнғироқ» бўлади.

Ботир МАРДАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

Биласизми ?

Жисмоний шахслар қуйидаги миқдорлардаги товарларни божхона тўловларини тўламасдан Ўзбекистонга олиб кириши мумкин:

— Ўзбекистоннинг халқаро аэропортлари божхона чегаралари орқали олиб ўтишда – **2 000 АҚШ доллари;**

— Ўзбекистон Давлат чегараларининг темир йўл ва дарё божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – **1 000 АҚШ доллари;**

— Ўзбекистон Давлат чегараларининг автотўлов (пиёда) божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – **300 АҚШ доллари;**

— халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун – бир календарь чорак мобайнида **1 000 АҚШ доллари;**

— халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун – **100 АҚШ доллари.**

ҚОНУНЛАР ИЖРО ЭТИЛСА КУЧЛИ. ЙЎҚСА...

«Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ берган хабарга кўра, Тошкент вилояти Қибрай тумани «Янги Ўзбекистон» боғида Д-1400 мм. Л-475 м., Тошкент шаҳар Сергели тумани Хонобод кўчасида Д-1000 мм. Л-370 м. ва Қипчоқ кўчасида Д-600 мм. Л-200 м. ичимлик сув қувурларини кўчириш жараёни сабаб 23 июль соат 09:00 дан 24 июль 21:00 гача Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота туманлари ҳамда пойтахтнинг Яшнобод, Бектемир, Миробод, Сергели, Янги ҳаёт туманларидаги ўнлаб маҳаллаларда, оилавий шифохоналарда сув таъминотида узилишлар кузатилмоқда.

Айни чиллада, жарима иссиқда сув таъминотидаги бундай узилишлар янгилик бўлмай қолди. Аксига олиб, 23 июлдан юртимизда ҳаво ҳарорати 40 даражадан бошланиб, яқшанба кунлари 46 даражагача кўтарилди. Бундан олдин ҳам 3 суткада шундай узилишлар бўлганди. Ачинарлиси, ўшанда ҳам бирор мутасадди ташкилот аҳолини ичимлик сув билан таъминлагани йўқ, аксинча, сув сотувчи савдо дўконларининг омади чопганди.

Кузатишларимиздан маълум бўляптики, ичимлик сув таъминотида ҳам талай муаммолар мавжуд. Аввало, кўп қаватли уйларга етказиб берилаётган ичимлик сув сифати қониқарсиз. Қувурлар ҳам эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Бундай қувурлар эса сув таркибига турли зарарли мод-



далар чиқариши билан хавфлидир. Хуллас, сув таъминоти корхоналарининг масъулияти йўқ. Истеъмолчилар эса ўз вақтида белгиланган суммани тўлашга мажбур.

Дарҳақиқат, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш энг муҳим соҳалардан бири бўлса-да, лекин ушбу масалалар бугунги кунга қадар қонун даражасида тартибга солинмаган. Амалдаги қонунчиликда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, **сув таъминоти**

ташкilotларининг мажбуриятлари эса мустаҳкамланмаган.

Сув таъминоти ташкilotлари фаолиятида интизомнинг сустлиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келмоқда ва истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний уланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу боис халқ ноиблари «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқиб, сув таъминоти ташкilotларининг ушбу соҳадаги **мажбу-**

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Бугунги кунда аҳолининг 65 фоизи марказлашган ичимлик сув ва 17 фоизи оқова сув хизматлари билан таъминланган бўлиб, 17 та сув таъминоти ташкilotи томонидан 9 408 та сув таъминоти, 58 та канализация иншооти, 72 минг км. ичимлик суви ҳамда 8,6 минг км. оқова сув тармоқлари орқали хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

риятлари ва ҳуқуқларини белгиламоқда.

Мазкур ҳужжат билан ичимлик суви ва оқова сув қувурларининг истеъмолчи ҳудудига туташган қисмигача ичимлик суви таъминоти ташкilotи масъул ҳисобланиши назарда тутилмоқда. Истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланган тўловларнинг 50 фоизига тенг миқдорда ичимлик суви таъминоти ташкilotидан компенсация (пеня) талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида соҳани барқарор ривожлантириш ва хизматлар сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий база яратилиши, сув таъминоти ташкilotлари фаолиятида интизомни кучайтириш орқали носоз-

ликлар оқибатида ичимлик сув исроф қилинишининг олди олинади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, аксарият қонунларимиз фақат давлат фойдасига ишлайди, холос. Масалан, кўп қаватли уйингиздаги иссиқ сув жўмрагини очганингизда белгиланган меъёрда иссиқлик келмаса, тўловнинг маълум қисмини тўлашга ҳақлисиз. Лекин амалиётда бунинг имкони жуда кам.

Назаримизда, юқоридаги каби қонунлар билан бирга, уларнинг ижро этилиши билан боғлиқ тизим ишлаши шарт. Шундагина, одамларда қонунларга бўлган ҳурмат, ишонч ортади. Йўқса, барчаси қоғозда қолиб кетаверади, эътирозлар эса ошиб бораверади.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ЭНГ КАТТА МУАММОМИЗ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ»

Маҳалламиз шаҳарлашгани учун, асосан, аҳолимизнинг аксарияти савдо-сотиқ ишлари билан шўғулланишади. Шу боис тадбиркорликнинг бошқа йўналиши ривожланмаган.

21 та ички кўчаларимиз шағаллаштирилди. Лекин асосий муаммомиз – трансформатор ва 97 та темир-бетон устунлар ўрнатиш масаласи ҳамон ўз ечимини топмаяпти. 70 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлса-да, қишда газ етиб келиши қийин бўляпти. Бундан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли жуда азият чекишди. Ўтган йили улар кўмир ёқиб қишдан чиқишди.

Маҳалламизнинг 60 фоиз аҳолиси ичимлик сув билан таъминлан-

ган, холос. Ушбу муаммони бартараф этиш учун катта сув қувури тортилмоқда. Агар мазкур лойиҳа охирига етса, аҳолимизнинг 90-95 фоизи ичимлик сув билан таъминланган бўларди.

Яна бир муаммомиз, узоқ йиллардан буён бир тадбиркор биносида ижарада фаолият юритиб келяпмиз. Янги маҳалла идораси қуриш учун 2 сотих ер ажратилган. Уни қуриш учун тадбиркор ҳам топил-

ди. Фақат тадбиркорга қўшимча ер ажратиб берилса, тез орада маҳалла идорамиз қурилиши ҳам бошланади.

Юқорида айтганимдек, бирдан-бир муаммомиз газ ва электр энергиядир. Шу масала тез орада ўз ечимини топса, аҳолимиз миннатдор бўларди.

Бўрибой ҚОРАБОЕВ,
Жалақудуқ тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



БИЛАСИЗМИ

Автомобиль тўхташ жойлари ҳудудларида қуйидагилар тақиқланади:



- автотранспортни таъмирлаш, ювиш, унга ёнилғи-мойлаш материаллари қуйиш, бунинг учун махсус ажратилган жойдан ташқари;
- двигатель ва агрегатлар учун очиқ ҳолдаги оловдан фойдаланиш;
- автотранспортни соатига 5 км дан ортиқ тезликда бошқариш;
- тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш;
- ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун жойлар барпо этиш.

ТЕСТ БОЗОРИДАГИ СОТУВЧИЛАР АСЛИДА КИМ?

Олий таълим даргоҳига кириш истагидаги баъзи бир абитуриентлар борки, тест асосидаги кириш имтиҳонларидан «силлиқина» ўтишни хоҳлайди. Чунки ўз вақтида дарсни мукамал ўзлаштирмагани боис уларга тест таркибидаги саволлар жуда қийин бўлиб кўринади.



Натижада осон йўлни излаган бўлажак талаба ўзини ўқишга киритишда уддабурон ҳисоблайдиган фирибгарнинг тўрига илинади.

«Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур» мақолини билмаганлар эса «шу вариантлар имтиҳонда тушади» деган ёлғон ваъдага алданиб юраверади. Аввалроқ тарқалган «Миллий сертификат атрофидаги миллий ўйинлар» сарлавҳаси

остидаги хабарлар ва унинг атрофидаги муносабатларни ўқир эканман, «тест ўйинлари»да кўпроқ кимнинг айби борлигини тушунмай ҳам қолдим.

Чунки ўқувчиларга Миллий сертификат имтиҳонларининг тест саволларини сотиб, ўша ерда уларни ёдлатишга ҳаракат қилган репетиторлар айбдор, десак, улар тест вариантларини қаердан олади унда, деган савол ўз-ўзи-

дан келиб чиқади. Агар вазият ростдан ҳам ДТМ томонидан берилган расмий баёнотдагидек бўлсачи? Яъни айрим ўқув марказлари томонидан «бу саволлар тушади» баҳонасида тайёрланган саволлар жамланмаси шахсларга сотилган бўлиб, бугунги кунда мазкур ҳолатлар бўйича тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Давлат тест маркази ҳамкорлигида текшириш ишлари олиб борилаётган бўлсачи? Унда беш юз, минг АҚШ долларига баҳоланаётган тестларнинг сотувчиларига бунчалик ишонч қаердан келди экан?

Айни вақтда талабаликни орзу қилиб, ширин ташвишлар билан юрган абитуриентлар тест савол-

ларининг «Х варианты» тарқаб кетгани билан боғлиқ вазиятда бевосита иштирокчи бўлиб қолаётгани ачинарли ҳол аслида. Чунки бу ёшларда ҳаққоний тест тизимига бўлган ишонч бор эди. Агар яхши билим олиб, тинимсиз тайёрланса, тестдан юқори балл олишига умид қилиб турган айни паллада илмни ҳам пулга сотиб олиш мумкин, деган ҳулосага келмайдими?

Тизимга масъуллар шу каби саволларга жавоб ҳақида ўйлашса, яхшироқ бўларди. Чунки бундай ҳолатлар келажакда ёшлар билан бир қаторда давлат равнақиға, унинг имиджига ҳам салбий таъсир қилиши тайин. Зеро, шаффофлик ва ҳақиқатга асосланган миллий тест тизимига эришмас

эканмиз, олий таълим даргоҳларига билими кучлилар эмас, пули кўплар киради, деган нотўғри тушунча ёшларимизнинг онгида сақланиб қолаверади. Ойдинлашган бу каби вазиятларнинг кундалик ҳаётимизда яна такрорланмаслиги учун эса ДТМ бу вазиятдан тегишли ҳулоса чиқариши зарур.

Ёки ахборот асри ҳисобланган бугунги кунда миллий тест тизими электрон назоратга олинсин ва ҳимоя қилинсин. Шундагина истаган одам ДТМ базасидан тест вариантларини олиб чиқиб кета олмайди. Натижада ДТМга бўлган ишонч ҳам ортган бўлдармиди? Бунини энди вақт кўрсатади.

Маъфират
ХУДОЙБЕРДИЕВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ФАОЛ БЎЛИШЛАРИ КЕРАК»

Маҳалла тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тузилмага катта ваколатлар берилган. Ҳар қандай муаммо маҳалланинг ўзида ҳал бўлиши керак. Чунки ҳар бир вазифамиз халқнинг манфаатига қаратилган.

Бугунги кунда ушбу тамойил асосида фаолият кўрсатяпмиз. Уйма-уй юриб, аҳоли муаммолари ўрганилмоқда. Ишсизларнинг бандлигини таъминлашга, муҳтожларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган маҳалладошларимизга имтиёзли кредит олишларига кўмаклашилаётимиз.

Чет давлатларга ишлаш учун кетган фуқароларнинг ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб боряпмиз. Айниқса, маҳал-

ламиздан 6 нафар хотин-қиз хорижда ишлаётган бўлса, ҳар бири билан телефон орқали гаплашиб, давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда улар дуч келаётган муаммоларни ечишга ёрдам бердик.

Айтиш жоизки, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп. Одамлар ўз ҳаётида маҳалланинг ўрнини тўлақонли ҳис этишларига эришиш керак. Бунинг учун маҳаллалардаги кузатув кенгаши аъзолари фаолроқ ҳаракат қилиб,

аҳоли ўртасида иш олиб боришлари керак. Чунки раиснинг бир ўзи кўп иш қила олмайди. Худуддаги жамики фаоллар — кўнгилли ёшлар, кексалар, обрў-эътиборли инсонлар унинг атрофида бири-лашиб, маҳалла сиёсатини амалга оширишга кўмак беришса, натижа янада самаралироқ бўлади.

Ғайрат
ТИЛЛОЕВ,
Қоровулбозор
туманидаги
«Бўстон»
маҳалла
фуқаролар
йигини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Расмийлаштириш кечикса,
жарима тўлайманми?»



— Тошкент шаҳридан уй сотиб олгандим. Бироқ шахсий масалаларим туфайли кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказмадим. Энди эса жарима тўлашим кераклигини айтишяпти. Шу тўғрими?

Эрали ХУСНИДДИНОВ,
Фарғона вилояти.

Неъматжон ОТАМУРОДОВ,
Кадастр агентлиги масъул ходими:

— Қонунчиликка кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга оширилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Тегишли ҳуқуқ пайдо бўлгандан кейин 1 ой ичида кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бунда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Давлат хизматлари марказлари, Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали (my.gov.uz) ёхуд кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўз вақтида расмийлаштирмаслик 223 минг сўмдан 1 млн. 115 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ДЕҲҚОННИ ҚАНДАЙ БОЙ ҚИЛАМИЗ?

Озиқ-овқат хавфсизлиги — бутун дунё мамлакатлари олдига турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди. БМТ ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидлапти. Шу маънода юртимизда ҳам айна масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Давлат сиёсати қачон самара беради?

Агар соҳага замонавий илм асосда ёндашиб, иқтисодий қулайликлар яратилса, аграр соҳа, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари барчани озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш, одамлар учун барқарор даромад манбаини яратиш беришга қодир. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги — дунёдаги энг кўп иш ўринлари яратиш имкони бўлган тармоқдир. Бугун дунё аҳолисининг деярли 40 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилади. Бу, айниқ-

са, қишлоқлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати қачон самара беради? Қачонки, маҳсулот **ишлаб чиқариш** ва **импорт қилиш** даражалари оқилона уйғунлаштирилса, ҳосил бўладиган даромадни ишлаб чиқарувчи ва бошқа воситачилар ўртасида **адолатли тақсимлаш тизими** жорий этилса, албатта, аҳоли бу соҳада астойдил меҳнат қила бошлайди. Айни пайтда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошяпти, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол кўпаймоқда. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда **3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди**. Бу рақам

қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчиларнинг ҳаммаси дегани эмас, чунки асосий иш ўрни бошқа ташкилотда бўлиб, оила даромадининг асосий улушини ўз томорқасида етиштирган маҳсулотлари орқали топаётган фуқароларимиз ҳам кўп.

Коронавирус тарқалиши сабабли юзага келаётган инқироз чуқурлашиб кетмаслиги, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлаб қолиш, уларнинг импорти орқали салмоқли даромад олиш учун мамлакатимизда **томорқачилик ҳаракатини** тўғри ташкил этиш бугун жуда муҳим.

«Намунавий семинарлар»дан фойда йўқми?

Аввало, билишимиз зарурки, **худудларимизда имкониятлар бир хил эмас**, шу сабабли имкониятларни, соҳада юзага келган ва келаётган муаммоларни ўрганиш зарур. Баъзи вилоятларда **сув тақчиллиги кузатилса**, баъзиларида **суғориш иншоотлари ишдан чиққанлиги** сабабли томорқалардан унумли фойдаланишнинг иложи йўқ. Баъзи худудларда **қишлоқ хўжалик**

техникаси етиш-маса, баъзиларида **тайёр маҳсулотни сотиш муаммога** айланади. Шу омилларни чуқур таҳлил қилишда куйидаги бир қатор жиҳатларга эътибор қаратилиши керак:

— Худудлар бўйича томорқаларни суғориш тизимини тартибга келтириш, томорқаларда **томчилаб суғориш тартиби** жорий қилинишини тушунтириш, рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

— Қишлоқ хўжалик техникаларини **ижарага бериш** бўйича пухта ўйланган тизим яратиш керак.

— Сифатли кўчат ва уруғлик билан **марказлашган ҳолда** таъминлаш яхши натижа беради, кейинчалик деҳқон хўжаликлари бу соҳага ихтисослашувини ташкил қилиш муҳим.

— Етиштирилган маҳсулотларни **адолатли нархларда сотиб олишни** йўлга қўйиш керак. Чунки ҳосил йиллар давомида яхши нархга сотилмагани сабабли баъзи юртдошларимизнинг қўли ишдан совиб қоляпти.

— Томорқа эгаларини **«намунавий семинарлар»**да эмас, балки амалда тизимли равишда замонавий агротехника ва бошқа билимлар

билан таништириб бориш керак.

— Қишлоқ худудларидаги мактабларда худуд хусусиятларидан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчиларига факультатив равишда боғдорчилик, иссиқхонада маҳсулот етиштириш, чорвачилик, асаларичилик, қуёнчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлари бўйича **машғулотлар ўтилиши** яхши самара беради.

* * *

Инсон ўзи истама-са, унинг бажарган ишида унум ҳам, самара ҳам кам бўлади. Ҳар қандай соҳани ривожлантирувчи куч — меҳнатдан натижа чиқиши ва фойда кўришдир. Ўзбекистон шароитида, айниқса, бугунги мураккаб вазиятда ўзига тегишли томорқадан фойдаланмаётган инсонда қандайдир жиддий сабаб бўлиши мумкин. Масалага тизимли ёндашишда буни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу ўринда худудлар ва соҳалар раҳбарлари ҳам деҳқончилик йўналишида ташкилий, ҳуқуқий ҳамда таъминот масаласида ёрдам беришлари лозим.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ТАЖРИБА ВА МУАММО

«МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИГА ХИЗМАТ АВТОМАШИНАСИ АЖРАТИЛСА...»

Бироз муболаға билан айтсам, маҳаллада суягим қотган. 2007 йилдан бери шу тизим ичидаман. У даврда жамоатчилик асосида ишлардим. Аҳолининг тўй ва маъракаларида бош бўлардим. Шу сабабми, 2018 йилда маҳалла раиси сифатида иш бошладим.

Ўша йиллари маҳалламизда муаммолар кўп эди. Аввало, инфратузилма аҳволи қониқарсиз даражада, табиий газ ва ичимлик сув йўқлигидан ташқари аҳолининг яшаш шароити ҳам ночор эди. Шу боис фаолиятимни аниқ режа билан давом эттирдим. Дастлаб юқоридаги муаммоларга ечим топиш учун ҳамкор

ташкilotларга мурожаат билан чиқдим.

Туман ҳокимлигига қилган мурожаатимиз натижасида 2019 йилда маҳалла» дастури асосида янгича қиёфага кирди. Барча муаммоларга ечим топилди. Ҳозирда кўчаларимиз тўлиқ асфальтланди. Ичимлик сув тармоғи тортилди. Эски симёғочлар янгиланди.

Яна бир қувончли янгилик — маҳалла фуқаролар йиғинимизга янги бино қуриб берилди.

Аҳолининг асосий даромад манбаи деҳқончилик ва чорвачиликдан.

Айни пайтда муаммолар деярли йўқ, аммо маҳалла ходимлари фаолиятида техник кўмакка эҳтиёж сезиляпти, яъни

автомобилга. Сир эмас, тизим ходимлари асосан кўчама-кўча, уйма-уй юришади. Оралиқ масофа катта. Гоҳ у четдан, зумда бу четга келишга тўғри келади. Шундай пайтда автомашинага эҳтиёж туғилади. Маҳалла ходимларига хизмат автомашинаси ажратилса ёки кредитга сотиб олиш имкони яратилса яхши бўларди. Масалан,

мен ўзимнинг шахсий автомашинам учун ҳар икки кунда 40 минг сўмлик ёқилғи қуяман. Машина бўлса, меҳнатимиз унумдорлиги ошади. Мурожаатларни жойига чиқиб ўрганиш имконияти кенгайди.

Олтибой НИЁЗМЕТОВ,
Хива туманидаги «Шомохулум» маҳалласи раиси.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚАЙ ТАРИҚА РИВОЖЛАНАДИ?

Бугунги кунда қаяққа қараманг, улкан миқёсдаги қурилишларга кўзингиз тушади. Бунёдкорликлар суръатидан бироз шошиб қолаётганимиз тушунарли. Чунки аввал соҳада бунақа шиддатни кўрмагандик. Фақатгина баъзи ўринларда қурилишлар билан боғлиқ қандайдир шубҳалар ҳам пайдо бўлаётгани хавотирланарли. Бунга асос йўқ эмас — қурилган иморатлар билан боғлиқ юзага келган айрим нохуш вазиятлар, хусусан, уларнинг йиқилиб тушиш ёки қай даражададир носозлик ҳолатлари рўй бердики, одамларда ишонч пасайди.

Мазкур жараёнда янги биноларда ишлатилаётган қурилиш материаллари сифатсиз ишлаб чиқарилаётгани ҳақида гап-сўзлар ҳам «болалади». Жумладан, бетон плиталарга темир арматуралар аралаштирилмаяпти, деган тасаввур кўпчиликда пайдо бўлди. Бунга ўхшаш тахминлар қанчалик ростлигини билмадигу, лекин соҳада муаммолар борлиги аниқ. Шу боис кейинги пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Хўш, ушбу ўзгаришлар нималарда акс этмоқда?

Тадбиркорлар ўқитилади

Дарҳақиқат, сўнги пайтларда маҳаллий саноят тармоқлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадал ривожланти-

ришга кўмаклашувчи яхлит тизим жорий этилди. Хусусан, «Ўзсаноятқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузурида Қурилиш материаллари санотини ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил қилиниб, мазкур тармоқда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қатор имтиёзлар берилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, соҳада кадрларнинг билим, кўникма ҳамда тажрибаларини ошириш мақсадида «Ўзсаноятқурилишбанк» АТБ ҳамда «Ўзсаноятқурилишматериаллари» уюшмаси ҳамкорлигида ўқув маркази очилди режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, марказ тадбиркорларни ўқитишга мўлжалланган бўлиб, бу жараёнга малакали ўқитувчилар, ишбилармонлар, хориж экспертлари жалб этилади.

— Оҳангарон туманида банкимиз молиялаштирган йирик лойиҳа амалга



оширилди, — дейди «Ўзсаноятқурилишбанк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Зафар Азимов. — Яъни тадбиркорлик субъекти томонидан автоклав усулида газобетон ишлаб чиқариляпти. Бу йирик инвестицион лойиҳа ҳисобланади. Лекин жойларга чиққанимизда кичик тадбиркорлар ҳам газобетон ишлаб чиқараётганини айтишмоқда. «Автоклав усулида ишлаб чиқаряпсизми?» десак, улар бунинг нималигини ҳам билишмаяпти. Ваҳоланки, ҳақиқий газобетон автоклав усулида яхшигина пиширилган, иссиқ ва совуққа чидамли бўлиши кераклиги илмий исботланган. Ушбу жиҳатларни ўқув жараёнида тадбиркорларга тушунтиришни

мақсад қилганмиз. Шу билан бирга, янги ўқув марказида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техникаси, хомашё қаерда борлиги, умуман, жараёндаги барча муҳим нарсалар ўргатиб борилади.

Муаммоларни тезкор ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатилади

Соҳада тадбиркорлар дуч келадиган муаммолар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларни ҳал этмай туриб қутулган натижага эришиш мушкул.

— Кўплаб корхоналар эгалари инвестиция лойиҳасини амалга ошириш пайтида кимга мурожаат қилишни билишмайди, — дейди «Ўзсаноятқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раиси Соҳиб Абулқосимов. — Шу пайтда уюшмамиз уларга тўғри йўналиш кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, корхоналарда оператив молиявий муаммолар юзага келиш эҳтимоли бор. Ёки лойиҳаларни молиялаштириш, энергетика билан боғлиқ камчиликлар кузатилиши мумкин. Жумладан, куз-қиш мавсумида электр энергияси, газ таъминотида узиллишлар юз беради. Бир сўз билан айтганда, барчасини тезкор ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатилади.

— Ламинант полларни ишлаб чиқариш лойиҳасини анча йиллар амалга оширолмади қийналдик, — дейди тадбиркор

Замира Сафарова. — Бизга бу борада берилган кўмак туфайли ҳозирги кунда кредитлар ажратилиш масаласи ҳал бўлиб қолди. Лойиҳа амалга ошса, 35-40 та янги иш ўрни яратишга эришамиз.

Имтиёзли кредитлар берилади

Шу ўринда банк томонидан соҳада фаолият юритувчи тадбиркорларга қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда яратиб бераётган имкониятларни алоҳида тилга олиш жоиз.

— Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ташаббусига эга тадбиркорларга беш йилдан етти йилгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар берилади, — дейди «Ўзсаноятқурилишбанк» АТБ департаменти бош мутахассиси Шаҳбоз Ибодуллаев. — Бу масалада тадбиркорлар бемалол банкимизга мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур йўналишда халқаро молия институтлари, инвестицион институтлар ҳамда хорижий банкларнинг молиялаштириш линияларидан фойдаланилади.

Хуллас, қурилиш объектларини сифатли материаллар билан таъминлаш борасида жиддий қадамлар ташланмоқда. Таъкидлаш жоизки, қурилиш материаллари санотини ривожлантириш бўйича 5 млрд. долларлик мингдан ортиқ лойиҳалар пакети шакллантирилган. Мазкур тизим тегишли вазирлик ва идораларга белгиланган чоратадбирлар ижросини онлайн режимда кузатиб бориш имконини беради. Демак, соҳадаги ишлар ишончли назорат остида изчил амалга оширилиши таъминланади.

Маҳфуза ШЕРМУҲАММЕДОВА.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«СУВНИНГ 4 ТОННАСИ 60-70 МИНГ СЎМДАН СОТИЛАДИ»

Маҳалламиз қишлоқ ҳудудида жойлашган. Шу боис аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда ўртача 15-30 бош қўй боқилади. Айримларнинг подаси 100-200 бошга етади. Қолаверса, деярли ҳар бир хонадонда 2-3 бошдан қорамол боқилади.

Йилкичилик билан шуғулланадиганлар ҳам бор. Чорвачилик — сердаромад касб. Шунинг учунми, ҳудудимизда камбағал, бировнинг қўлига қараган аҳоли йўқ, ҳисоби.

Муаммоларимиз бор. Асосий муаммо — ичимлик суви. Ҳозирда одамлар сувни сотиб олиб ичишга мажбур. Махсус машиналарда келтириладиган сувнинг 4 тоннаси 60-70 минг сўмдан сотилади. Қишлоқ шароитида бу катта сумма, айрим оилаларни қийнаб қўяётгани бор гап. Қолаверса, ҳудуддаги йўллар таъмирталаб. Гарчи қишлоқ йўлларининг 70 фоизи яхши ҳолатда бўлса-да,

қолганини асфальтлаш зарур. Бундан ташқари, симёғочларимиз эски. Тўғри, ток ўчмайди, бироқ эски симёғочлар айрим ҳолларда узилишларга сабаб бўлмоқда.

Яна бир гап: нафақа тайинлаш ва тўлаш ваколати маҳалладан олинди. Бироқ фуқаролар ҳамон бизга эътироз билан келади. Биз шунчаки аризаларни қабул қилиб, Пенсия жамғармасига узатишимиз, қолган масалалар инсон омилсиз автоматик аниқлашини қанча тушунтирмайлик, норозилар сони камаймаяпти. Истардикки, ариза қабул қилиш ҳам маҳалладан олинса, фуқаролар ё жамғарманинг

ўзига ариза топширсин, ё онлайн ҳужжат топшириш йўлга қўйилсин. Очиғи, айна масалаларни деб бошқа ишларимиз қолиб кетяпти.

Ҳаракатда барака бор. Йиғинимизда айна шу тамойил асосида ишни йўлга қўйганмиз. Тўғри, масъул котиб масаласида кўпчилик фикр билдирияпти. Дарҳақиқат, уларга эҳтиёж бор. Бироқ ҳозирча бу штан берилмас экан, ишни тўғри ташкил этган ҳолда, масалаларга ечим топишимиз керак.

Умирқул ШЕРДОНОВ,
Музработ туманидаги «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«АЛҲАДАЯ» КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАМАЙДИ



Кейинги пайтларда биологик фаол қўшимчалар — БФҚлар истеъмоли тобора оммалашиб бормоқда. Афсуски, бу маҳсулотни реклама қилаётганлар «минг бир хасталикка даво» сифатида таърифлашмоқда. Натижада уни «мўъжизакор» қудрати ҳақидаги гап-сўзлар тилдан-тилга ўтиб келмоқда. Мисол учун, бугун «Алҳадая» маҳсулотни ҳам шу тарзда касалликларга даво сифатида тавсия этилмоқда.

Хўш, аслида ушбу маҳсулот соғлигимизга қай даражада фойдали? Умуман, турли хасталикларда биологик фаол қўшимчаларга мурожаат қилишимиз тўғрими?

Рекламаси тўғри олиб бориляптими?

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассиси Абдубосит Абдурахмоновнинг маълум қилишича, «Алҳадая» маҳсулотни биологик фаол қўшимча сифатида синондан ўтган ва инсонга зарарли эмас, деган хулоса берилган. Демакки, у ҳеч бир касалликка даво ҳисобланмайди. Шунингдек, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги матбуот хизмати раҳбари Қизлархон Бегматованинг айтишича, бу маҳсулот дори сифатида рўйхатдан ўтмаган.

Хўш, унда нега уни дори сифатида реклама қилиняпти? Минг дардга даво, дея тавсия этилмоқда? Бу бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмомчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги мутахассиси Бобур Жўраевдан изоҳ сўрадик.

— «Алҳадая» маҳсулотни чиндан ҳам биологик фаол қўшимча сифатида тавсия этилган бўлса-да, унинг рекламасида касалликка

шифо экани тарғиб қилинган, — дейди **Б.Жўраев**. — Жараён ўрганилиб, 2020 йилда маҳсулот тарақатувчилари билан тушунтириш олиб борилган. Яъни «Алҳадая» МЧЖ фаолиятини ўрганишимизда махсус комиссия томонидан «Реклама тўғрисида»ги қонун талаблари бузилган, деб топилган. Шунга кўра, уларга маъмурий тартибда чора кўрилган. Ҳозирда улар томонидан телевидение ва радиода қўйилаётган реклама роликлари келишилган тарзда биз томондан кўриб, ижобий хулоса берилгандан кейин оммага эълон қилиб борилмоқда. Аммо ижтимоий тармоқдаги рекламаларни назорат қилиш бироз қийин бўлмоқда.

Шундан сўнг ижтимоий тармоқдаги рекламаларга ҳам эътибор қаратдик. Чиндан ҳам маҳсулот «Фейсбук» тармоғидаги «Алҳадаяга фирклар» профилида очикдан очик дори сифатида тарғиб қилинётган бўлса, «Тиб ва шифо» профилида эса уни қора седана ёғи дея сотилмоқда. «Алҳадая» Саудия Арабистони ва Мисрдан келтирилган, дейилса, қора седана ёғи капсуласи Туркиядан келгани ёзилган. Реклама матнида, айниқса, қора седана ёғи капсуласи ўлимдан бошқа барча хасталикларга шифо экани ҳадисларда

келтирилгани таъкидланади. Лекин қайси ҳадис экани кўрсатилмаган. Бу ҳам одамларнинг эътиқодий ишончидан фойдаланишнинг бир тури.

Дорими ёки биологик қўшимча?..

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида «Алҳадая» МЧЖ мутахассислари билан боғландик. Мижоз сифатидаги мурожаатимизга улар хушмуомалалик билан жавоб беришди. 10 га яқин касалликлар безовта қилишини айтсак, ҳеч иккиланмай даво бўлишини билдиришди. Тан олиш керак, маркетинг яхши йўлга қўйилган. Сўхбат якунида менга имтиёз ҳам берилди. Бу имтиёз орқали 3,5 миллион сўмлик маҳсулотни 2,5 миллион сўмга сотиб олишим мумкин экан. Юқоридаги имтиёз унча-мунча оддий одамни шошириб қўйиши бор гап. Эртасига худди шу фирма маҳсулотига оммавий тарзда 30 фоизлик чегирма эълон қилинди. Рекламаси ҳам ажойиб — «Ҳайитлигингизни олиб кетинг!» Қизик томони, реклама матнида бу маҳсулот Ўзбекистон омборларида тугагани ёзилади. Тугаган бўлса, шунча чегирмага не ҳожат?

Тошкент тиббиёт академияси доценти, Халқаро илмий академия ва Халқ таъбири академияси академиги, Ўзбекистон ихтирочилар жамияти аъзоси Алижон Фақировнинг фикрича, биологик фаол қўшимчалар касалликни даволашдан кўра, салбий асоратлар

қолдириши мумкин. Мисол учун, Россияда 2017 йилда тадқиқот ўтказилган. Жарроҳлик амалиётидан кейин беморларнинг бир гуруҳига БФҚлар берилган, иккинчисига эса йўқ. Орадан маълум муддат ўтгандан кейин иплар олинганда икки гуруҳда ҳам жароҳатни битишида фарқ бўлмаган. БФҚлар жараёнга мутлақо таъсир қилмаган. Бу каби тажрибалар жуда кўп.

Сўнгра кўпгина давлатларда, жумладан, Россия, Канада ва АҚШда БФҚларнинг асоратлари ўрганилди. Мисол учун, таркибида натрий бўлса, ошқозонга тушиб сув билан аралашганда натрий хлор ҳосил қилади. Бундай кислотанинг ошиб кетиши эса ошқозонни емиради ёки калий ёнади. Марганцовкадан портловчи модда ҳосил қилса бўлади. Улар билан ҳазиллашиб бўлмайди ва бир жойга жамлаб ҳам.

Шу тариқа асоратлар кўрина бошлади. Юртимизга эса БФҚларни 1990 йилларда қонуний ва ноқонуний тарзда олиб кириш бошланди. Америкадан, кейин Хитойдан келди. Кўп фирмалар аҳолидан маблағни йиғиб, катта пулга сотиб, кейин қочиб кетди. Лекин, халқ улардан фойда кўргани йўқ. Фақат соғлигини, вақтини ва пулини йўқотди.

«Биз дориликка даво қилмаймиз»

Мавзуга янада ойдинлик киритиш, маҳсулот чиндан ҳам дорими ёки йўқли-

гини билиш учун «Алҳадая» масъулияти чекланган жамияти раҳбари **Олимжон АБДУВАХОБОВ**га мурожаат қилдик.

— «Алҳадая» маҳсулотни чиндан ҳам дори эмас. **Биз дориликка даво қилмаймиз** ва касалликларни даволайди, деган фикрдан ҳам йироқмиз. Агар минг дардга даво, дейилган бўлса, хатони бартараф этамиз. Бу бизнинг ривожланишимизга ёрдам беради. Рекламаларимизда қора седанани даволигини келтирамиз, лекин «Алҳадая»ни барча касалликларга даво, деб бермаймиз.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш керак: «Алҳадая» Қозоғистонда ишлаб чиқарилади. Таркибидаги седана ёғи Саудия Арабистони ва Мисрдан олиб келинади. Яъни маҳсулот ўзи бу давлатларда ишлаб чиқилмайди. Худога шукур, натижаларимиз кўп. Маҳсулотимиз юзимизни ерга қаратмаяпти. Бу маҳсулотни ҳар қандай соғлом киши ҳам истеъмом қилса, фақат фойда кўради. Аммо **қайсидир касалга чалинган беморни даволамайди**.

Инсон борки, хато қилади. Фақат уни тўғриламаслик бошқа хатоларга йўл очади. Шахсан ўзим фаолиятимизга доир ҳар қандай эътирозга очик қарайман. Юқоридаги мақолада келтирилган камчиликларни ўрганиб, бартараф этамиз.

Яна такрорлайман, **биз маҳсулотимиз рекламаларида дориликка даво қилмаймиз**.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ: ХИЗМАТЛАР ВА МУАММОЛАР

Бугунги кунда кўплаб аҳолимиз рақамли телевидениелар хизматидан фойдаланишади. Бироқ уларнинг хизмат кўрсатиш сифати, нарх-навосидан ҳамма бирдек рози эмас. Хўш, рақамли телевидениелар томонидан абонентларга кўрсатилаётган хизматлар сифати қай даражада? Мазкур соҳада истеъмолчилар билдираётган эътирозларга сабаб нима?

Асосий эътирозли мурожаатларда кўрсатилаётган хизматларни бажариш шarti ва муддатлари, шартнома баҳоси, хизматлар кўрсатишнинг кафолати, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартиби, муддатлари ва шакли, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги тўлиқ бажарилмаётганлиги баён этилган.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги мазкур мурожаатларга асосан, мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларига зид келувчи нормаларни мувофиқлаштириш юзасидан бугунги кунда 626 525 та абонентга хизмат кўрсатаётган рақамли телевидение фаолиятини ўрганди. Булар 584 449 та абонентга хизмат кўрсатувчи кабел телевидениеси ҳамда 42 076 та абонентга хизмат кўрсатувчи «Ўзбектелеком» АК ва унинг ҳудудий филиалларидир.

Қонунга мувофиқ, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг «Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини на-

зорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари» тўғрисидаги 26-моддасида товар(иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек, бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қилишлари кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қонуннинг 21-моддасига кўра эса сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас. **Бироқ** мурожаатлар ўрганилганда кўрсатилмаган хизматлар учун абонент тўлови олинган.

Рақамли ТВ хизма-

ти кўрсатиш оммавий оферталари ўрганилганда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўювчи бир қатор ҳолатлар борлиги кузатилди.

Унда истеъмолчи ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ маълумот ҳамда хабарлар билан таъминланмаган. Шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш ва қайта ҳисоб-китоб қилиш тартиблари кўрсатилмаган. **Аслида** оператор (провайдер) абонентни ҳақ тўлаш эвазига қўшимча хизматлар кўрсатишга ёки маълум бир хизматни кўрсатиш учун бошқа хизматларни олишга мажбурлашга, шунингдек, абонентдан кўрсатилмаган хизматлар учун тўлов ундиришга ҳақли эмас.

Абонентлардан уларга ойнинг 1-санасида ҳисоб рақамларида маблағ бўлмаганлиги сабабли ёки кечик-

тириб тўлаши оқибатида хизматлар кўрсатилмаган кунлар учун ҳам абонент тўлови олинмоқда.

Шу билан бир қаторда, абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидан етарлича маблағлар бўлмаган тақдирда тармоқдан узиб қўйилади. Абонент тўловини ечиб олиш унинг шахсий ҳисоб рақамига тегишли сумма келиб тушган кунда амалга оширилади. Бунда тўлов жорий календарь ойи давомида тўланиши керак. Афсуски, тўлов қайси ойнинг қайси кунда бажарилганидан қатъи назар, бутун ой учун 100 фоиз миқдорда ечиб олиниши белгиланган.

Бепул бўлган телеканаллар ҳам тармоқдан узилган

Бугунги кунда мазкур хизматнинг 1

ойлик абонент тўлови мамлакатимиз бўйлаб ўртача **14 666 сўмдан 24 333 сўмгача белгиланган** бўлиб, ўртача 30 дан 70 тагача телеканаллар олиб кўрсатилади. **Аммо** ўрганишлар давомида абонент рақамли телевидение учун ойлик тўловни амалга оширмаган тақдирда барча рақамли ТВ хизматларини кўрсатиш ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бепул кўрсатилиши лозим бўлган 12 та миллий телеканаллар ҳам тармоқдан узиб қўйилганлиги аниқланди.

Шартномада устунлик бир томонлама бўлган

Ўрганилган оферта шартномасида аввало, истеъмолчилар ҳуқуқларини чекловчи ҳолатларга дуч келинди. «Умумий шартлар», «Тарафларнинг мажбуриятлари» ва абонент тўловларини ҳисоб-китоб қилиш каби шартнома шартларида хизмат кўрсатувчи субъектлар ўзларига нисбатан бир томонлама устунлик берган. Хусусан, шартномаларда учраган «Умумий шартлар» ботида хизмат кўрсатувчи бир кунда 35 та каналдан иборат 20 соатдан кам бўлмаган вақтда теледастурларни кабель тармоғи орқали абонентларга таъминлаб бериш мажбуриятини олган. Аммо мажбурият белгиланган ҳажмда ёки сифатда бажарилмаган ҳолатда хизмат кўрсатувчига нисбатан чора механизми назарда тутилмаган.

Шунингдек, абонент томонидан тўловлар белгиланган муддатдан кечиккан ҳолатда ҳар бир кун учун 10 фоиз миқдорда пеня тўлайди. Аксинча, хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган муддатларда хизмат кўрсатилмаган ҳолатда

унга нисбатан пеня ёки жарима қўлланилиши ёки абонентга хизмат кўрсатилмаган кун учун ёки сифатсиз кўрсатилган хизмат учун қайта ҳисоб-китоб қилиш имконияти шартномада белгиланмаган. Шартномалардан бирида эса КТВ тармоғидан фойдаланишдан воз кечиш ҳолатларда уланиш учун тўланган сумма қайтарилмаслиги кўрсатилган.

Яна бир шартномада оператор томонидан абонентга пул маблағларини қайтариш, абонентнинг пластик картасига ёки банкдаги ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтариши белгиланган. Афсуски, оператор томонидан маблағ қанча муддат ичида қайтарилиши, муддат кечиктирилганда эса хизмат кўрсатувчиларга нисбатан чоралар белгиланмаган.

Меъёрий ҳужжат талаблари бажарилиши шарт!

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан республика ҳудудида рақамли ТВ хизмати кўрсатувчи 96 та хўжалик юритувчи ташкилотлари ва «Ўзбектелеком» АКнинг ҳудудий филиаллари томонидан кўрсатиладиган (IPTV) рақамли ТВ хизматларининг оммавий оферталари ўрганилди. 70 та ҳолатда соҳани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилмаганлиги аниқланиб, ташкилотларга ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

А.РАУПОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бош мутахассиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

АЛИМЕНТДАН ҚАРЗДОРНИ ХОРИЖГА ЧИҚИШ ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ МУМКИНИМИ?

– Собиқ турмуш ўртоғимнинг алиментдан қарздорлиги мавжуд. Унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш мумкинми? Агар мумкин бўлса бу қандай амалга оширилади?

М.ХОЛЖИГИТОВА,
Фарғона вилояти.



Севара УРИНБАЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 421-моддасига кўра, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро

ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқилиши вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Сиз давлат ижрочисига шу турдаги ариза билан мурожаат қилганингизда аризангизда

қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашнинг асослан-тирилган сабабларини кўрсатиб ўтишингиз лозим бўлади. Давлат ижрочиси қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни қўллаш тўғрисидаги ундирувчининг аризасини кўриб чиқиб, қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаради ёки аризани қаноатлантиришни рад қилади ва ундирувчига асослан-тирилган жавоб юборади.

ПАНЖАРАЛАР КИМНИ КИМДАН «АСРАЙДИ?»

Бир неча йил илгари турли ташкилотлар, идоралар атрофини панжаралар билан ўраб олиш урфга кирган эди. Аслида, бу панжаралар ўша пайтда онгларга, қалбларга қўйилган «панжара» эди. Оддий одамларни давлат идораларидан, жамоат ташкилотларидан, ҳатто таълим, тиббиёт муассасалари ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам ажратиб турадиган панжаралар...



Бир куни пойтахтдаги Матбуотчилар уйи биносига кира олмай, ярим кун сарсон бўлганим ёдимда. Ваҳоланки, ўзим бошқа бир нашрда ишлайдиган журналистман. Ичкарида ўнлаб ошна-оғайниларим, ҳамкасбларим бор. Аммо қурғур паспортни олиб келиш ёдимдан кўтарилибди. Паспортсиз эса халқ минбари, эркинлик ва демократия тимсоли бўлган бинога кириш тақиқланган эди. Бир эмас, икки нафар ички ишлар ходими кириш эшикларини қўриқлар, икки нафар «пропуск» ёзиб берувчи аёлнинг дафтарига паспорт маълумотларингизни киритмай, ичкарига йўл катта муаммо эди. Худди шу каби ҳолат барча ҳокимликлар, вазирликлар, ҳуқуқ идоралари, судлар, банклар, олий таълим, тиббиёт муассасалари ва ҳоказоларда ҳам бор эди.

Афсуски, панжаралар

ўрнатиш «касали» йиллар ўтиши билан барҳам топмаяпти. Президентимиз томонидан барча даражадаги раҳбарлар ва ташкилотларга халқ учун очилиш талаби қайта-қайта қўйилгани билан айрим раҳбарлар панжаралардан ҳали воз кеча олишмади.

Деворлар фикрлашни ҳам чеклайди

Бир нарса аниқ. Деворлар орасида яшаган инсоннинг фикрлаш даражаси ҳам чекланади. Масалан, узоқ вақт турмада ўтирган одамларда воқеа-ҳодисаларга нисбатан деярли бир хилда муносабатда бўлишлари тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Бизда исталган шахрингизга бир назар ташланг. Кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида, кўчалар бўйида, ҳокимликлар, университетлар ва ҳатто ресторанларнинг атрофида

тўсиқларни кўриш мумкин. Тўсиқ борлиги тўфайли керакли жойдан йўлни кесиб ўтолмаётганингизда нимани ҳис қиласиз? Йўл четидаги тўсиқларни айланиб ўтишга тўғри келганида қандай фикрлар пайдо бўлади? Деворлари бўйлаб айланиб ўтиш учун қанча вақт сарфлайсиз? Ижро ҳокимияти мутахассиси иш бўйича хизмат хонасига чақирса, кутишга сарфланган бир неча дақиқаларни совуқ ёки жазирамада ўтказишга қандай қарайсиз? Шаҳарларимизда тўсиқлар ҳаддан зиёд кўп. Нима учун биз улар орасида яшашимиз керак?

Ҳаётни осонлаштириш учун ишлаш керак

Амалдорларимиз майсалар устида юриш мумкинлиги, университетлар атрофи панжаралар билан ўраб қўйиладиган жой эмаслиги, пиёдаларни

ҳайдовчилардан темирлар билан эмас, балки бута ёки очиқ майдон билан ҳам ажратишнинг иложи борлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Яхшироқ қилиш эмас, балки осонроқ йўлдан боришни маъқул кўрамыз. Пойтахтда шундай объектлар борки, уларни кетма-кет жойлаштирилган тўрт-бешта панжаралар ортидан томоша қилиш мумкин. Аммо шаҳарни панжаралар ортидан эмас, эркин ҳолда томоша қилиш яхшироқ.

Камроқ тўсиқ — кўпроқ соғлом фикрлар

Деярли ҳар бир кўп қаватли уйнинг ҳовлисида кичик-кичик томорқачаларни кўриш мумкин. Одатда улар ўраб қўйилган. Битта шундай уйнинг ўзида бир неча кўринишдаги тўсиқларни учратасиз. Тўсиқлар келишув асосида ўрнатилмайди, шунинг учун уларнинг ҳажми, ранги ва кўриниши ҳар хил. Бундай уйни қурок кўрпага ўхшатиш мумкин, панжараларнинг хилма-хиллиги эса манзарани хунук қилиб кўрсатади ва тураржой нарҳини арзонлаштиради. Кўп миллионли шаҳарда боғга очиладиган эшиги бўлган квартирада яшаш кимга ёқмайди дейсиз. Биринчи қаватлардаги квартиралар олдида жойлашган мўъжазгина боғчалар уй эгаларига дахлсизлик ҳиссини бахшида этади. Бу ерда кўчадан тўғри уйга кириш учун эшик очиш, тоза ҳавода дам олиш учун шароит яратиш қўйиш мумкин.

Бундай меъморий ечимдан Европа шаҳарларида кенг фойдаланишади. Квартиралар олдидаги бундай боғчалар ўша квартиранинг фойдали майдонини кенгайтиради, тураржой нарҳининг ошишига хизмат қилади ва ниҳоят, шунчаки одамларни бахтлироқ қилади. Лекин нафақат биринчи қаватларда яшайдиганлар, балки кўшчилар,

оддий ўткинчилар ҳам бахтли бўлишлари учун бундай боғчалар учун ажратиладиган майдонлар ва тўсиқлар дизайни стандартлаштирилиши лозим.

Уйлар олдидаги тўсиқларни ҳамма ҳам рухсат олиб ўрнатмаган. Айрим маҳалларда бундай боғчалар ҳатто пиёдалар йўлакларини ҳам тўсиб қўйган, лекин бу кўчаларни режалаштириш билан боғлиқ масала бўлгани учун бунга тўхталиб ўтирмаймиз. Уйлар олдидаги боғчаларга қайтсак, уларнинг деярли барчаси бу майдончалардан эгалари фойдаланаётгани учун эмас, балки шунчаки тўсиқ бўлиши кераклиги учун ўраб қўйилган. Натижада ҳовлиларимиз бетон, тўсиқ ва машиналардан иборат бўлиб қолди. Шаҳар ҳокимиятининг эса бу билан иши йўқ, чунки уларнинг муҳимроқ ишлари бор.

Банкирлар ҳам бинолар атрофини панжаралар билан ўраб қўйишни ёқтиради. Тўсиқ билан ўраш учун махсус рухсатнома олиш керак деган талаб йўқ. Бундан нафақат ҳимояланишни ёқтирадиганлар фойдаланади, балки банк қўриқчилари ҳам тўсиқ бор, деб тинчроқ ухлашади.

Айрим банклар тўсиқларсиз ҳам ишлайди ва ҳеч қандай ёмон нарса бўлмайди. Бизнинг қонунчилигимиз янги тўсиқларни ўрнатишни талаб қилмайди. Уларни ўрнатиш тўғрисидаги қарор кимга керак бўлса, уларга юклатилган. Эскирган хавфсизлик талаблари ҳам ҳалиям сақланиб қолганга ўхшайди. Қоидаларни янгилаш вақти аллақачон етиб келганига қарамасдан, уларга риоя қилинмоқда. Бизнинг-ча, панжара ва деворлар ўрнатишнинг қатъий қоидаларини белгилаш вақти келган. Акс ҳолда қамоқхонага ўхшаш шаҳарлар қуришда давом этаверамиз.

Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.

«ТЕМИР ДАФТАРДАМАН»

КўМАК ТУФАЙЛИ ДАРОМАДГА КИРГАН ОИЛА

Ўтган йили пандемия туфайли оиламиз «Темир дафтар»га киритилганди. Кўмак сифатида бизга давлат томонидан икки бош қўй берилди. Бир йил давомида улар 24 тага? етди. Шундан 10 тасини сотиб оиламиз эҳтиёжига ишлатдик.

Яна паррандачилик билан ҳам шуғулланамиз. 35 дона товўғимиз бор. Ҳар куни қишлоғимиздаги хусусий боғчага 25-30 донадан тухум етказиб берамиз. Ғоз, курка, «индикутка»ларимиз ҳам тухум беради. 20 дона куркамизни боқиб, семиртириб гўштга сотдик.

Қизим «Ёшлар дафтари»га киритилгани учун унга 20 сотих ер берилди. Бу ерга қизил ловия экидик. Бундан олинган ҳосилни 1 млн. 200 минг сўмга сотиб, рўзғорга ишлатдик. Ўрнига маккажўхори экканмиз. Насиб

қилса, 15 кунда бу ҳам пишиб етилади. Томорқамизда ҳам 6-7 хил мевали дарахтларимиз бор.

Карантин пайтда бўш вақтимиз бўлмади. Тинимсиз ҳаракатларимиз самара бериб, рўзгоримизга барака кирди. Энди орттириб, қурилишлар бошладик. Уйимизни таъмирляяпмиз. Шу боис ўз розилигимиз билан «Темир дафтар»дан чиқдик.

Жамолиддин ШЕРМАТОВ,
Тўрақўрғон туманидаги «Лангарбобо» маҳалласи.

Ёлланма меҳнат бозори, оддий қилиб айтганда, мардикорлик нафақат юртимизда, балки бутун дунёда жиддий муаммолардан ҳисобланади. Ҳатто, жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан бўлмиш АҚШда ҳам бу оддий ҳолдир.

БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚИ

— БИР КИЛОГРАММ ГҶШТ НАРХИ

Ушбу давлатда уюлмаган кунлик меҳнатга нафақат иммигрантлар, балки АҚШ фуқаролари ҳам ёлланади. Бунда мардикорларнинг учдан бир қисми ҳуқуқбузарлик ҳолларига дуч келади. Инсофсиз иш берувчи уларни кун бўйи ишлатиб, меҳнат ҳақини бермаслиги мумкин. Паст тўлов ва оғир меҳнат шароити, ишдаги жароҳатлардан ҳимоясизлик – бу мамлакатда ҳам тез-тез учраб туради.

Шундай бўлса-да, АҚШда бу каби меҳнат бозорларини тартибга солиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, Лос-Анжелес шаҳрида кунлик иш марказлари доимий фаолият юритади. Уларга мурожаат қилганлар доимо бир кунлик иш топиши ва кўрқмай ишга ёлланиши мумкин, шу жумладан, аёллар ҳам.

Ўзбекистонда ҳам ёлланма меҳнат бозорини тартибга солиш масаласи устида сўнгги йилларда жиддий ишлар олиб борилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш-

га нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Гендер тенглик ва хотин-қизлар масалалари қўмитаси аъзолари кузатув ва тадқиқотлар олиб бориб, тегишли таклифларни шакллантирмоқда.

Ҳозир мардикор бозорлари нафақат шаҳарларда, балки туман ва узоқ қишлоқларда ҳам бор. Афсуски, ишга ёлланишга чиққан инсонлар орасида хотин-қизлар сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Аксига олиб, мардикорликка чиққан аёллар эрта йиғилади. Боиси аксарият ҳолларда вилоятлар мардикор бозорларида уларни дала ишларига ёллашади. Ачинарлиси, хотин-қизлар оғир ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлмоқдалар.

Бунинг бирдан-бир сабаби — иш берувчилар фаолиятини назорат қилиш имкони йўқ. Бу эса аёллар ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимояга эга



эмас, деганидир. Қолаверса, кўплаб ўзбек аёллари қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонга пахта терими ёки бошқа қишлоқ хўжалиги юмушларига жалб этиладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу жараёнда эса уларнинг ҳуқуқлари умуман кафолатланмаган. Шунинг оқиба-тида улар машаққат билан меҳнат қилиб, бир тийин ололмаган пайтлар ҳам, афсуски, учраб туради.

Экспертлар фикрича, айнан оғир моддий аҳвол юртимизнинг турли жойларидан келган аёлларни мардикор бозорига чиқиб, энг оғир, қора ва паст ҳақ тўланадиган бўлса-да, иш топиб, кун кечиришга мажбур қилмоқда. Ёзилмаган қоидага биноан, бир кунлик иш ҳақи бир

килограмм гўшт нархи даражасида белгиланади. Балки, халқимизнинг кўп нарсани айнан «бир килограмм гўшт нархи» билан солиштириш одати ҳам шундан келиб чиққан бўлса не ажаб.

Аммо ўша бир килограмм гўшт пулини топиш учун одамлар жазирама иссиқ ёки қаҳратон қишда эрта тонгдан тунгача меҳнат қилишга мажбур бўлади. **Масалани ўрганиш жараёнида эътиборимизни тортган жиҳат шу бўлдики**, аксарият ҳолларда эркаклардан кўра аёл мардикорларга кўпроқ ишонч билдирилган экан. **Сабаби оддий:** аёллар, ҳаттоки, арзимаган пулга ҳам оғир ишни бажаришдан қочмайди, иш берувчининг ҳақиға хиёнат қилмайди,

юкмасини охиригача бажариб, топган пулини оиласига олиб боради.

Табиийки, вақтида қилинган ана шу оғир юмушлар изсиз кетмайди, яъни вақти келиб аёллар саломатлигига салбий таъсирини кўрсатади. Баъзи бирлари иш жараёнида турли даражада жароҳат олади. Ишга ёлланган пайтда зўравонлик ёки ноҳақлик қурбонига айланиш ҳолатлари ҳам кам эмас. Чунки амалда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланмаган.

Шундай экан, биринчи бўлиб мардикор аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш талаб этилади. Шунинг мантиқий давоми сифатида уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам жуда муҳим.

Муаммо илдизи-га назар ташласак, аслида унинг ечими, аввало, ишга эҳтиёжи бор аёлларни ўқитиш ва уларни касб-ҳунарга тайёрлашдан иборат экани ойдинлашади. Зеро, замонавий касбга эга бўлган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши осонроқ кечади.

Бу борада юртимизда қатор ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 28 апрелдаги «**2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида**»ги қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузуридаги вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюrolари Кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этил-

ганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳукуматнинг жорий йил 1 июлдаги қарорида эса ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, жойларда давлат-хусусий шериклик асосида Кунлик меҳнат марказлари ҳамда уларда иш берувчи ва иш изловчилар учун Call-марказ ташкил этиш, иш изловчиларни иш жойига транспортда олиб бориш ва олиб келиш хизматини кўрсатиш, уларга ётоқхоналар, меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни ижарага бериш, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб қўйилди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларни бажараётган шахсларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишларни фуқароларни жалб этмаган ҳолда идораларо электрон ҳамкорлик орқали амалга ошириш чоралари кўрилатганини ҳам муҳим янгиликлардан бири сифатида келтириш мумкин.

Шулар асосида ҳулоса қиладиган бўлсак, қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларнинг **мутасаддилар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши мардикорлик билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этишнинг мақбул ечимидир**. Бу борада биз, сенаторлардан ҳам фаол бўлиш талаб этилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Гендер тенглик ва хотин-қизлар масалалари қўмитаси раиси.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ ҚАЙТА ТИҚЛАНИШИ КЕРАК»

Маҳалламиз «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, обод манзилга айланмоқда. Шу кунга қадар 4,6 км. ички йўлларимиз шағаллаштирилиб, 8 км. йўл асфальтланди. Олтин мерос ва Оқшом кўчаларимизга 37 та темир-бетон устунлар кўча чироқлари билан бирга ўрнатилди.

Барча кўчаларимизга ичимлик сув тармоғи тортилиб, аҳолимиз тўлиқ таъминланди. 29-мактабгача таълим муассасаси қайта таъмирланиб, эски мактаб ўрнида 446 ўринли янги мактаб қурилди. Аммо спорт зали ҳам янгидан қурилса янада яхши бўларди.

Энг муҳими, 6 хонали маҳалла идорамиз янгидан

қурилди. Идорамиз ёнида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Наврўз» тикувчилик цехи очилиб, 8 та тикув машинаси билан таъминланди. Бу ерда 12 нафар хотин-қизларимиз иш ўрнига эга бўлди.

Таклифимиз, маҳалламизда олдин ёпилган қишлоқ врачлик пункти фаолиятини қайта йўлга қўйиш керак.

Негаки, аҳолимиз қаҳратон қишда ҳам, иссиқ чиллада ҳам оддий эмлашлар учун 3 км. олисдаги Пахтакор қишлоқ врачлик пунктига қатнашга мажбур бўляпти.

Турсунали АЛИМОВ, Бўстон тумани «Сарбон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИР ҚАНОТЛИ ҚУШ УЧМАЙДИ

ёхуд ношир ва китобхоннинг бугунги оғриқлари

2017 йилда Президент томонидан қабул қилинган иккита ҳужжат китобхон аҳолидан ташқари, ноширлик фаолияти билан шугулланувчиларни ҳам қувонтирган эди. Булар — «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиш ҳамда «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарор эди.

Хўш, орадан қарийб тўрт йил вақт ўтиб, соҳада нима ўзгаришлар юз берди? Ҳужжатларда қўйилган вазифалар қай даражада амалга оширилди? Бугуннинг китобхони ноширдан, муҳаррирдан, китоб сотувчиларидан рози бўляптими? Ноширлар нимадан ташвишдаю, китобхонни нималар қийнамоқда?

«ҚОҒОЗНИНГ ИККИНЧИ БЕТИ» ХАМ БОР

Тўғри, давлат раҳбари илгари сурган «Беш муҳим ташаббус» лойиҳасидаги алоҳида йўналиш — «Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўрта-сида китобхонликни кенг тарғиб қилиш» бўйича мақтанишга арзирли натижаларимиз бор. Аммо улар санокли. Масалан, мактаб ўқувчилари ва ёш оилаларни қамраб олган анъанавий «Ёш китобхон» ва «Ёш китобхон оила» республика танловлари йўлга қўйилди. 2019 йил октябрь ойидан бошлаб ҳар йили «Tashkent Book Fest» халқаро китоб кўргазмасини ўтказиш яхши урф айланди. Маҳаллий бюджетлардан 7,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 1,0 млн. нусхадан китоб маҳсулотлари мактаб кутубхоналари ва бошқа идоравий кутубхоналарга етказиб берилди. 2017 йилгача ўқув адабиётларидан ташқари, китоб маҳсулотларининг улуши 25 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 40-45 фоизгача етди.

Булар слоҳотларимизда маънавий фойда, деб айтиш мумкин бўлган жиҳатлар. Аммо, ноширлар тилида айтганда, «ҚОҒОЗНИНГ ИККИНЧИ БЕТИ» ХАМ БОР. Бу — масаланинг моддий (ёки иқтисодий) жиҳатидир. Тўғри, соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий

жиҳатдан либераллаштириш сиёсатимиз китоб бозорида эркин рақобат муҳитини жадаллаштириб юборди. Афсуски, ноширлик фаолияти учун хусусий секторга тўсиқларсиз яратилган шароит ўз-ўзидан маънавий-маърифий жиҳатларни соясида қолдириш фактини ҳам «балоғатга етказди».

Айрим таҳлилларга назар соламиз. Бугунги статистика нашриётлар сони 200 дан ошганини кўрсатмоқда. Давлат улуши 47 та нашриётга тегишли, холос. 2016 йилга нисбатан бу йилда хусусий сектордаги нашриётлар сони нақ 288 фоизга ўсган (беш йилда ҳар йили ўртача 55 фоиздан). Ҳозирда республика-миз бўйича нашриёт-матбаа корхоналарининг китоб маҳсулотларини йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 273,6 млн. нусхага етган.

Бир қарашда соҳа мамлакат иқтисодий-тига ижобий таъсир беряпти, деймиз. Лекин «иккинчи қанотда қолган китобхон» ўз хаёлотига мос китоблар топа олаётганига ишончимиз нокомил. Бунинг сабаблари кўп.

СИФАТ ВА МАЗМУН ХАМОҲАНГМИ?

Биринчидан, китобларни нашрга таяёрлаш билан боғлиқ жараёни такомиллаштириш зарур. Ноширлик субъектларининг ўз маҳсулотини нафақат умумэтироф этилган соҳавий стандартлар талабига, балки бадий-ғоявий мазмунига мослиги ва ижтимоий аҳамияти бўйича тизим етишмаяпти. Бу, биринчи галда, ноширларни қизиқтириши керак. Афсус, **МУАММО НОШИРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ БИЛАН ХАМ ГАЗАК ОТМОҚДА.**

Иккинчидан, бизда китоб маҳсулотларининг кадр-қиммати



унинг нархида эмас, мазмунида эканини яхши англайдиган китобхонлар кўпайиши керак. Яъни контрафактга алданмайдиган, **НАРХИ СИФАТ ВА СТАНДАРТГА ЯРАШИҚ КИТОБНИ ТАНЛАЙ БИЛАДИГАН КИТОБСЕВАРЛАР** ҳар қандай жамиятда қадрланади.

Яна бир масала. Бугун бозорлардаги муомалада бўлган болалар **АДАБИЁТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ҲАЛИ МАҚТАНАРЛИ ДАРАЖАДА ЭМАСЛИГИМИЗДАН ДАРАК БЕРЯПТИ.** Айниқса, ўсмирларга мўлжалланган китобларнинг аксари мазмунан саёз ёки чалкаш маълумотлар билан чоп этилгани ташвишга солади.

2020 йилда ноширлик соҳасига оид қонунчилик талаблари бузилиши оқибатида масъул тузилма томонидан жами 42 та нашриётга тақдимномалар киритилган. Таҳлил қилинган 301 та китобларнинг 51 таси умумтаълим мактабларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларидир. Китобларда аниқланган қонунчилик бузилишлари орасида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида»ги қонунлар

талабларини кўпол бузиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

ҚҚС КИТОБ БОЗОРИГА АКС ТАЪСИР ЭТАДИМИ?

Кузатувлардан шу нарса маълумки, соҳада қоғоз ва матбаа хомашёлари нархларининг ошиб бориши, шунингдек, 2020 йил 1 апрелдан китоб маҳсулотларига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) жорий этилиши ҳамда коронавирус пандемияси оқибатида бутун дунёда юзага келган иқтисодий инқироз жараёнлари ўзига яраша қийинчиликлар яратди.

Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, 2017-2020 йилларда нашриётлар томонидан тўлаб борилган жами солиқларнинг 61,8 фоизи ҚҚС ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирда маҳаллий нашриёт-матбаа корхоналари томонидан ҚҚСдан ташқари ер (0,95 фоиз), мулк (2 фоиз), сув ҳамда ижтимоий (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 12 фоиз) ва фойда (фойдадан 15 фоиз) солиқлари тўланади. Ушбу солиқларнинг умумий сотув ҳажмига нисбатан ўртача улуши 4 фоизни ташкил этади.

Маълумки, ҚҚСдан ташқари барча солиқ ва мажбурий тўловлар маҳсулот рентабеллиги ҳисобидан тўланиб, ҚҚС эса якуний истеъмолчи (китобхон) ҳисобидан қопланади. Шунинг учун **УШБУ СОЛИҚНИНГ МАВЖУДЛИГИ**

ёки миқдори бево-сита истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракатларига акс таъсир этмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, Халқаро ноширлар уюшмаси (IPA) ва Европа нашриётлари федерацияси (FER) томонидан 2018 йилда дунёнинг 134 давлатида босма ва электрон нашрлар учун ҚҚС ставкаларини қўллаш бўйича ўрганиш ўтказилган. Натижасига кўра, 4 та давлатда (тадқиқот қатнашчиларининг 3 фоизидан) китоб маҳсулотлари учун ҚҚС умуман мавжуд эмас. 62 та мамлакатда (47 фоизидан) босма китоблар учун ҚҚС имтиёзли ноль фоиз миқдоридан, 50 та давлатда (37 фоизидан) китоб маҳсулотлари учун ҚҚС 15 фоиздан паст миқдорда, 18 та мамлакатда (13 фоизидан) китоб маҳсулотлари учун ҚҚС 15 ва ундан юқори фоиз миқдорларда ўрнатилган.

Хулоса қилганда, китоб одамнинг бирламчи ёки кундалик эҳтиёжлари қаторига кирмайди. Қолаверса, китобнинг асосий истеъмолчилари — мактаб ўқувчиси, талаба, нафақачўр китобхонлар экани ҳисобга олинса, кундан-кун харид қобилияти камайиб бориши кузатилмоқда. Ўз навбатида, бу китобхонликни оммалаштириш ва мутолаа маданиятини ривожлантириш ишларига салбий таъсир ўтказиши табиий. Шунинг учун миллий ноширлик соҳасини ривожлантиришдаги муаммоларни чуқур ўрганиш, унинг сабаб ва оқибатини тўғри баҳолаш орқалигина керакли тадбирни қўллаш лозим.

УМИД ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

«ҚОРА ПАКЕТ»ЛАР ҚАЧОНГАЧА ТЕКИН БЕРИЛАДИ?

Деярли ҳар куни «Қўйлиқ» деҳқон бозори ёнидан ўтаман. Ариқлар, бетон йўлакчаларнинг четларига илиниб қолган оқ-қора аралаш полиэтилен пакетларнинг шаҳар кўригига доғ бўлиб турганидан кайфиятим бузилади. Чор атрофда сочилиб ётган писта пўчоқлари, қоғозлар, ҳар хил чиқиндилар негадир казо-казо брендларни ўзида жамлаган «Compass» савдо мажмуаси раҳбариятини ҳам ташвишлантирмайди.

Ахир бу савдо марказига сайёҳлар ҳам ташриф буюришади. Менимча, бу аҳвол нафақат бизда, балки шаҳримиз меҳмонларида ҳам ёқимсиз ҳисларни уйғотса керак. Қолаверса, полиэтилен пакетлар табиат, инсон ва ҳайвонот олами учун ҳам хавф туғдиради.

Қандай пакетлар тақиқланган?

Президентимизнинг 2018 йил 18 майдаги «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2019 йил 1 январдан бошлаб, савдо шохобчалари орқали полимер плёнкали пакетларни бепул бериш тақиқланганди. Уларнинг нархини мамлакатимиз ҳу-



дудиди сотиладиган товарлар нархига қўшиш, шунингдек, ўз таннархидан паст қийматда сотиш, қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш ҳам ман этилган. Хўш, атроф-муҳит софлигини асраш, «қора пакет»лар тарқалишини назоратга олишга йўналтирилган мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида жойлардаги вазият қандай?

— Бозорларда полимер пакетлардан бемалол ва очикчасига фойдаланиляпти, — дейди **Пойтахт-мизнинг Яшнобод тумани умумий овқатланиш шохобчаси раҳбари Дилноза Жўраева.** — Масалан, «Қўйлиқ»

буюм бозорида ёймачилар ҳам, пештахталарда савдо қиладиган сотувчилар ҳам полимер пакетларни харидорларга бепул беришади. Бозорларда нимаики харид қилманг — бу хоҳ нон маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш моллари, маиший товарлар бўлсин, сотувчи «универсал» қора пакетга солиб беради. Пакетлар савдоси ҳам бозорларнинг ўзида йўлга қўйилган. Пакетфурушлар маҳсулотни қаердан олишаётгани номаълум. Чунки бундай товарларни ички бозор учун ишлаб чиқариш тақиқланган. Балки баъзи корхоналар қонидани бузган ҳолда ишлаб чиқаришни давом эттираяптими-кан?..

Елим халтанинг нимаси ёмон?

Дарвоқе, елим пакетларга биринчи тақиқ 2002 йилда Бангладешда жорий қилинган. Бу давлатда шаҳарлар канализациясини халталар ёпиб қўйгани тўғрисида сув тошқини юзага келган ва минглаб одамлар ҳалок бўлган. Европа Иттифоқи давлатларида бир марта ишлатиладиган пластик товарлар-пакетлар, найчалар ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланишни тўлиқ тақиқлаш 2010 йилда маъқулланди.

Қарор ижроси қачон таъминланади?

Дарҳақиқат, юқоридаги қарор кучга кирганига 3 йилдан ошди. Аммо қора пакетлар савдоси мамлакатимиз ҳудудларида ҳамон жиддий чеклангани йўқ. Бунга исталган бозор ҳудудидида гувоҳ бўлиш мумкин. Янги қоидага фақат йирик савдо марказлари — «супермаркет»лардагина амал қилинмоқда. Масалан, шаҳримизнинг барча туманларидаги савдо-кўнгилочар марказларида товарлар целлофан пакетларга солиб берилганида, харид чекида пакет нархи алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Бу каби ташаббусни республикаимизда фаолият юритаётган барча йирик савдо марказларида кузатиш мумкин. Савол туғилади: бозорлар, кичик савдо шохобчаларида қачон қоидага амал қилинади? Мазкур ҳолатлар мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 13 февралда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»га ҳам зид бўлиб, сотувчи, тадбиркор, мансабдор шахслар тегишли равишда жавобгарликка тортилиши лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Бундан ташқари, Президентимизнинг юқоридаги қарори ижросини назорат қилиш қатор мансабдор шахслар ва Экология

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси зиммасига юклатилган.

Тадқиқотларга кўра, пластик пакетлар нафақат глобал экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, балки энергетика ресурслари беҳуда сарфланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Хитойда полиэтилен пакетлар ишлаб чиқарилиши ва фойдаланиши тақиқланганча, 1,6 миллион тонна нефть тежаб қолинган. Бутун дунё пластик пакетларга қарши кураш кампаниясини ишга туширди. МДХ мамлакатларида ҳам пластик муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Қозғоғистон Ўзбекистон сингари аввалига полиэтилен маҳсулотларни бепул тарқатиш амалиётидан воз кечиб, сўнгра уни ишлаб чиқаришни буткул тўхтатишни режалаштирган. Тожикистонда эса мамлакат табиатни муҳофаза қилиш органлари вакиллари рўзғорда полиэтилен пакетлардан фойдаланишдан воз кечишни таклиф қилишмоқда.

Биз эса ҳали қабул қилинган қарор ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳам тўла таъминлай олмаёмиз. Умид қиламизки, масъул шахслар қарор ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратади.

Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАСЪУЛЛАР ҚУРУҚ ВАЪДАДАН НАРИГА ЎТИШМАЯПТИ»

Маҳалламиз туман марказидан 4 километр узоқликда жойлашган. Табиий газ билан таъминланган. Аҳоли ёрдами билан 100 фоиз ичимлик сув масаласи ҳал қилинди, қабристон ободонлаштирилди, йўлларнинг 1 километр қисмига бетон ётқизилди. Бироқ ечимини кутаётган масалалар ҳам кам эмас.

Мисол учун, бундан йигирма йил олдин йиғиндаги эски симёғочлар алмаштирилиши айтилганди. Бироқ ордан мана шунча йил ўтдики, ҳамон бу ишлар бажарилмаган. Қолаверса, трансформаторлар ҳам талабга жавоб бермайди. Кучланиш ортган пайтлар ташлаб юборади. Шунингдек, мактабгача таълим ташкоти фаолияти ҳам талабга жавоб бермайди. Мактабимиз керакли жиҳозлар билан таъминланмаган. Бу, ўз навбатида, таълим сифатига ҳам таъсир қилмасдан қолмаяпти. Маҳалламиз ўз би-

носига эга эмас. Неча йиллардан бери ҳудуддаги масжид биносида фаолият юритамиз. Боз устига, моддий-техник базамиз йўқ. Аҳоли билан ишлаш, иш самарадорлигини оширишда бу жиҳатлар панд бермоқда. Қолаверса, маҳаллада тиббий рункга эҳтиёж бор. Ҳозирда аҳоли 7,5 километр узоқликдаги тиббий пунктга қатнашга мажбур. Қишнинг изғирин, ёзнинг жазирама чилласида ҳомиладор аёллар, нурунийларнинг уерга бориб келишини тасаввур қилаверинг энди...

Юқоридаги масалалар бўйича мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Бироқ ҳар гал ваъда беришади, ҳар йилги дастурларга киритилиши айтилади, натижадан эса дарак йўқ. Аҳоли биздан юқоридаги масалалар ечимини сўрайди, қандай жавоб беришни билмайсиз, масъулларнинг муносабати эса фақат қуруқ ваъдадан нарига ўтмайди.

Нурмуҳаммад ҲАМИДОВ,
Сариосиё туманидаги «Янгиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ОЛТИ ОЙДА 954 ТА ЎЛИМ: ҚАЧОНГАЧА ҲОДИСАЛАР ҲАЛОКАТЛИ БЎЛАДИ?

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида республика бўйича жами 3 минг 753 та йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) содир этилган бўлиб, бунинг натижасида 954 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 3 минг 170 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Умумий ЙТХларнинг асосий қисми, яъни қарийб 28 фоизи ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезлик меъёрларини бузиш оқибатида келиб чиққан.

Аввалроқ Ўзбекистонда 2021 йилнинг дастлабки беш ойи ичида содир бўлган ЙТХлар оқибатида 770 киши ҳалок бўлгани айтилган. Шундан келиб чиқадики, июнь ойининг ўзидан мамлакатда 184 киши ЙТХ қурбонига айланган. Нақадар даҳшатли, шу билан бирга, ташвишланарли рақамлар... Шундай эмасми? ЙТХларни келтириб чиқараётган сабаблар, ўзига хос омиллар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳар қанча айтилмасин, ҳар қанча таклиф билдирилмасин, «авариялар», ўлимлар сони ортсортяптики, камаймаяпти. Нега?

Жаримага тортмаслик тартибини бекор қилиш керак

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонда алкоголь ичиб рулга ўтиришни чекловчи қонунлар етарли эмас, деб топган. Бундан ташқари, тезликни оширганлик, хавфсизлик камарини тақмаганлар ва болалар учун махсус ўриндиқларни талаб қилиш борасида қонунчилик халқаро талабларга жавоб бермаслиги айтилади.

Юқорида айтилганидек, энг кўп ЙТХ тезликни ошириш оқибатида содир бўлмоқда. Кўриниб турибдики, агар бу жуда қатъий жазоланмаса, ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини оммавий равишда бузишни бошлайдилар. ЙТХлар сонини камайтириш учун тезликни пасайтириш



керак, қоидабузарларни эса шунчалик катта жаримага тортиш керакки, уларда тезликни ошириш истаги тамоман сўнсин. Мисол учун, энг қатъий тизим Финляндияда ишлайди. У ерда жарима миқдори даромадга боғлиқ. Кимгадир тезликни ошириш 400 еврога тушса, кимдир 10 минг евро тўлайди.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жойларда — мактаблар, шифохоналар ва бошқа одамлар кўп келадиган муассасалар жойлашган ҳудудларда ҳаракатланиш тезлигини 30 км./соатгача пасайтириш керак. Масалан, бундай жойларда тезликни ошириш ноқулай бўлиши учун сунъий йўл тўсиқларини ўрнатиш мумкин. Аммо бу ҳудудларда ҳам тезликни ошириш жарималар билан жазоланиши керак. Шаҳар ичидаги энг мақбул тезлик соатига 50 км.дан ошмайди. Шунингдек, белгиланган тезликдан 5 км./с. ошганда, жаримага тортмаслик тартибини бекор қилиш керак. Бундай тартиб умуман бўлмаслиги лозим. Авваламбор, йўлларда тезлик чегараси машиналар учун рухсат этилган «энг юқори тезлик» сифа-

тида эмас, балки барча автомобиллар тахминан бир хил тезликда ҳаракатланиши учун ўрнатилган.

Йўллар кўпроқ машиналар учун қулай қилиб қурилганми?

Ўзбекистонда содир бўлаётган ЙТХларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда пиёдалар иштироки кўп. Кузатувчилар бу ҳолатни пиёдалар йўлларда ҳимояланмагани, йўлларнинг пиёдалардан кўра, кўпроқ машиналар учун қулай қилиб қурилгани билан изоҳлашади. Шу ўринда ЙТХлар бўйича ўзига хос ижобий ютуқларга эга Буюк Британия тажрибасига тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон ва Британия йўлларида асосий фарқ — у ерда радар ушлаб турган ёки йўлга чиқиб, машина тўхтатаётган полиция ходимларини деярли кўрмайсиз. Бироқ ўрнатилган камералар ва йўлларнинг махсус жиҳозлангани ҳаракатни полиция эмас, бошқа омиллар назорат қилишига олиб келганини кўриш мумкин. Қолаверса, шаҳар ёки аҳоли зич яшовчи пунктларда хавфсизлиқни таъминлаш учун йўлларга махсус бўртиқлар ёки сунъий йўл нотекислиги ётқизилади. Бу бўртиқлар ҳайдовчини тезликни туширишга мажбурлайди.

Бундай оролчани пиёдалар ўтиш йўлида ҳам кўришингиз мумкин. Улар махсус ёритилади ва у ерда доим ёниб-ўчиб ту-

рувчи сарик чироқ бўлади. Агар тротуарларда қурилиш ёки таъмирлаш ишлари бошланадиган бўлса, пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун йўлак махсус ўраб олинадиган ёки бутунлай ёпилиб ёнидан қўшимча вақтинчалик тротуар қурилади. Фаоллар шаҳарларни кўпроқ машиналар учун эмас, балки одамлар учун мослаштиришни мунтазам равишда талаб қилиб келади. Ҳозирча Ўзбекистонда йўлларда бундай чоралар кўрилмаган.

Мутахассислар Ўзбекистонда «полосалар» жуда кенглигини айтишади — 3,75 метр. Мисол учун, Германияда бу каби йўл кенглиги 130 км./соат тезлик рухсат этилган автобанларда қўлланилади. Агар биз шаҳарда тезликни 50 км./соатгача пасайтирмоқчи бўлсак, у ҳолда «полосалар» кенглиги 3 метрдан ошмаслиги керак, ҳаттоки 2,75 метр ҳам бўлиши мумкин. Тўғри, бу йўлдан юк машинаси ўтолмайди, лекин шаҳарда юк машиналари алоҳида йўлларда ҳаракатланиши керак.

— Бир йўналишда иккитадан ортиқ ҳаракатланиш бўлаги («полоса») бўлган йўлларда тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилмаслиги керак, — дейди Транспорт вазирлиги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммолари тадқиқот маркази директори Мурод Абидов. — Масалан, аксарият шаҳар йўлларида ҳар бир томонга учтадан ҳаракатланиш бўлаги бор. «Полоса»ларнинг кенглиги 3,5-4 метргача етади. Йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган киши тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи бўйлаб 20 метрдан ортиқ масофани босиб ўтиши керак. У ҳеч қаерда тўхтаб ҳам олмайди, чунки хавф-

сизлик оролчаси йўқ. Қолаверса, 3,75 метр — «манёвр» қилиш учун имконият. «Манёвр» қилиш учун жой йўқлиги автоҳалокат эҳтимолини автоматик равишда камайтиради.

Яна қандай сабаблар бор?

Одатда, четдаги ўнг «полоса» жамоат транспорти учун мўлжалланган, аммо ҳамма ундан тўхтаб жойи сифатида фойдаланади. Йўл чизиқлари ва йўл белгиларининг йўқлиги ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир қилади. Чизиқсиз йўл ҳайдовчини ўзи учун қулай бўлган ҳар қандай позицияни эгаллашга ундайди. Биз кераксиз вазиятларда ҳам кўп маротаба қайта тизилишлар («полоса»ни ўзгартириш) гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шаҳар светофорлари тўғри бошқарилиши керак. Бу улар бир-бирига боғланган бўлиши ва тўғри созланган бўлиши кераклигини англатади. Эрталабги, тушқи ва кечки режимлар бир-биридан фарқ қилиши керак, чунки оқим шакли кун давомида ўзгариб туради. Ҳозир барча светофорлар бир хил режимда ишлайди ва бир-бирлари билан умуман боғлиқ эмас. Бу эса биз йўлларда гувоҳи бўлаётган ҳодисаларнинг сабабларидан биридир.

Идеал ҳолатда, светофорлар шаҳар бўйлаб чизиқли объектга мувофиқлаштирилиши керак. Барча шаҳарлар бунга интилишади. Одатда, светофорларни мувофиқлаштириш учун фақат йўл назоратчисини алмаштириш ҳамда муҳандислар ва дастурчиларнинг иши талаб қилинади. Бу янги асфальт ётқишиш ёки чорраҳани кенгайтиришдан кўра арзонроқ ва тезроқ. Аммо бу жуда самарали.

С.ИСМАТОВ.



Аввалроқ газетамиз ва телеграм каналимизда банкоматлар мавзуси, жумладан, улар орқали пул ечишда фоизларнинг баландлиги, бу эса қатор ноқулайликлар келтириб чиқараётгани, уни қандай тартибга келтириш бўйича мулоҳазалар билдирилган эди. Шундан сўнг кўпгина юртдошларимиз банкоматлар билан боғлиқ бошқа масалаларда ҳам мурожаат қилишди.

Нега курс икки хил?


Айни пайтда аҳоли гавжум жойларда тижорат банклари томонидан исталган валютани айирбошлаш учун кўпфункционал банкоматлар ўрнатилган. Дарҳақиқат, бу жуда қувонарли. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам борки, ана шу банкоматлар ва айирбошлаш шохобчасидаги сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ аҳолини банкоматлардан эмас, шохобчалардан фойдаланишга мажбур қилмоқда. Чунки курс банкоматда, дейлик, 10500 сўм бўлса, айирбошлаш шохобчасида 10550 сўмни ташкил қилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пандемия шароитида банк биносида жойлашган турнақатор навбатларни йўқотиш учун биргина курснинг тафовутини йўқотиш етарли. Қолаверса, курснинг бир хил бўлиши банкларнинг иш самарадорлиги ошишига ҳам хизмат қилади. Зеро, банкоматлар 24/7 режимида фаолият юритади, улар учун байрам кун-

ларининг фарқи йўқ. Фақатгина банкомат маблағ билан тўлдириб қўйилса бўлгани. Хўш, шундай шароитда нега банкоматлар ва айирбошлаш шохобчасидаги курс икки хил?

— Албатта, бозор шароитида ва амалдаги ҳолатга кўра, ҳар бир банк барча хизматларга нарх ва фоизларни мустақил белгилайди, — дейди таниқли иқтисодчи **Отабек Бакиров**. — Минтақа, талаб ва таклиф, технологик имкониятлар бунда муҳим ўринга эга. Масалан, илғор банклар иловаси орқали долларни айирбошлаш шохобчасидан кўра қимматроқ олиб, арзонроқ сотади ёки бўлмаса, вилоятлар кесими бўйича ўзгаришчанлик шароитида курслар фарқланади. Масалан, Қўқон ва Тошкентда сотиб олиш ҳажми юқори, иқтисодий пул ўтказмаларига боғлиқ вилоятларда эса сотиш ҳажми баланд. Курслар ҳам шунга мувофиқ.

Қолаверса, ҳозирги кунда энг кичик банкнота 1000 сўмлик. Шу ҳолатда банкоматларда сотиб олиш



курсларини яхлит белгилашдан бошқа илож қолмайди. Масалан, банкоматда сотиб олиш курси 10570 сўм этиб белгиланса, 10 доллар учун мижозга 105 700 сўм бериш керак. 700 сўмни мижозга қандай бериш мумкин? Фойдаланилаётган банкоматлар техник имконияти тангалар билан ишлашга йўл бермайди. Шунинг учун баъзида айирбошлаш шохобчаси ва банкоматлар курси ўртасидаги фарқ 100 сўмгача етиб қолади.

Масъулларнинг фикрича, курснинг икки хил кўринишга эга экани банкоматлар эскирган ва қисман шикастланган банкоматларни қабул қилиши мумкинлиги билан ҳам боғлиқ. Масалан, айирбошлаш шохоб-

часида валютанинг эскирган ёки шикастланганига қараб 2 фоиздан 20 фоизгача комиссия белгиланиши мумкин. Банкоматда эса бундай субъектив қарор қабул қилишга сезгирлик даражаси баланд эмас. Табиийки, банклар эскирганлик ва шикастланган купюралар эҳтимолий вазнини банкомат учун курс белгилашда инобатга олмаслиги мумкин эмас. Ахир сотиб олинган эскирган ёки шикастланган валюта купюраларини чакана сотиш имконсиз, тижорат банклари уларни фақат махсус битимлар орқали эмитентлар орқали янгисига фақат комиссия тўлабгина алиштира олади.

Албатта, юқоридаги фикрлар ўринлидир. Бироқ орадаги

фарқ кичикроқ сумма бўлса-да, бу каттароқ қийматдаги маблағни айирбошлашда сезиларли даражада ортиб кетади. Оқибатда яна банклар ичидаги шохобчаларда турнақатор навбатлар, асаб-бузарликлар пайдо бўлаверади.

Банкомат ҳам «дам оладими?»

Юқорида банкоматлар 24/7 режимида фаолият юритиши ва исталган вақтда керакли маблағни айирбошлаш мумкинлиги ҳақида фикр билдирдик. Шундай деймиз, бироқ кейинги пайтларда кўпгина жойларда, ҳатто пойтахтнинг ўзида ҳам уларнинг ишламаётгани билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда. Аксариятида ҳали туш бўлмасдан пул тугайди, бошқалари профилактика сабаб ўчириб қўйилади. Яна айримлари эса электр токидан «бебахра». Шундай банкоматлар ҳам борки, ўрнатилганига 2-3 ҳафта бўлса-да, ҳали тизимга уланмаган, ҳатто ўрамидан очиб ҳам қўйилмаган.

Ўтган сафарги мақолада банкоматлардан нақд пул ечишда 1 фоиз комиссия олиб қолинаётгани танқид қилинганда, кўпгина банк масъуллари буни банкомат харажатлари — интернет, техник таъминот, назорат қилиш, электр энергияси каби сарфларни қоплаш учун ишлатилишини айтишганди. Хўп шундай экан, нега унда банкоматлар ишламаяпти? Одамлардан олиб қолинаётган фоизлар нега уларга енгиллик яратиш учун сарфланмаяпти?

— Яқинда кундалик харажатларим учун картамдаги маблағни нақдлаштириб олмоқчи бўлдим, — дейди журналист **Азиза Қурбанова**. — Дастлаб маҳалламиз бошидаги банкоматда тўхтадик,

ишламаяпти. Сўнгра Учтепа туманидаги «Ипотекабанк» филиали бордик. Кирсам, филиал қоп-қоронғи. Одамлар кўп. «Свет» йўқ. Банкомат пешонасига эса аввалдан «профилактика» деб ёзиб қўйилган. Кейин яна шу ҳудуддаги «Ориент финанс банк», «Ипак йўли банк», «Капитал-банк» банкоматларига бордим, ҳеч бири ишламаяпти. Беш хил банкнинг бешта банкомати ишламаётгани тасодифми ё систематик-техник носозликми? Ёки бу «омадсизлик синдроми»ми? Тўғри, беш йил олдин шу банкоматлар ҳам йўқ эди. «Олдинлари 20 фоизга ҳам картани ечдириб, нақдлаштирардинг, шунга шукр қил», деса тўғри-ю, лекин яна савол: энди олдинга силжиш бўладими? Фоизлар камайиб, рақобат кучайиб, сервис сифати яхшиланадими? Турли банкларга тегишли банкоматларнинг ёппасига ишламай қолишига сабаб нима ўзи?

Биз-ку, биттагина Тошкент шаҳридаги манзарани баён қилапмиз. Исталган тумандаги исталган банкка боринг, охири йўқ навбатларга кўзингиз тушади. Банкларда банкомат етишмайди, борлари ҳам ё ишламайди, ё пули тугаган, ёки бўлмаса, «свет» йўқ. «Шароит яратиш учун» деб ушлаб қолинаётган фоизлар ҳақиқатда шунга хизмат қилсин-да... Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга керагидан кўп инфратузилма яратилди. Минг афсуски, инсон омили иштирок этар экан, масъулиятсизлик, бошқаларни ўйламаслик ортидан келиб чиқадиган биргина эътироз жуда кўплаб ҳаракатлар самарасини йўққа чиқараверади.

Содиқ
АБДУРАСУЛОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА — ЭСИНГ КЕТАДИ»

Маҳалламиз ҳудуддаги намунали маҳаллалардан. Одамлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ҳисоби-га кун кўради.

Маҳаллада асосий муаммо — сув билан боғлиқ. Бу йилги ёмғирсиз мавсумлар тўфайли деҳқончилик хавф остида қолди. Қолаверса, каналнинг охириги «қулоғи» бўлганимиз учун бу йил сув бизгача етиб келиши қийин бўляпти.

Ичимлик сув маҳаллага эски қувурлар орқали келган, уни таъмирлаш керак. Қишда, ёзнинг жазирамасида айрим ҳолларда қувурлар тешилиб, сув исроф бўлади. Худудий дастурлар

доирасида қувурни алмаштириш лозим. Бу бўйича мурожаатлар қилганмиз, жавобини кутяпмиз.

Бандлик масаласи ҳам жиддий муаммолардан. Ҳозирги кунда бандликни таъминлаш учун тикув цехи, бетон ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилмоқда. Тикув цехида маҳалламиз аёлларининг ишлаши ташкил этилади. Бетон цехи ишга тушса, ҳам одамлар ишли бўлади, ҳам маҳалладаги эски симёғочларни

алмаштириш имконияти яратилади. Зеро, неча йиллардан буён қўлбола ясалган симёғочлар хизмат кўрсатмоқда. «Эскини ямагунча — эсинг кетади», деганларидек, ҳар йили улар кўздан кечирилса-да, барибир хавфли ҳолатга келиб қолган.

Саидмурод
АННАМАТОВ,
Қизирик
туманидаги
«Қорасув»
маҳалла
фуқаролар
йиғини раиси.

2021 йил 13 июль куни, соат 22.00 да Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси ҳамда Мустақиллик байрамига тайёргарлик масалалари бўйича мажлис чақирилган.

МАЖЛИСБОЗЛИК

ҚОНИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАНМИ?

8 июль куни, соат 06.30 да Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «ZOOM» платформи орқали танқидий йиғилиш ўтказилган. 15 июнь, **тонгги соат 05.00 да** эса Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан такрорий экин масалаларига бағишланган мажлис ташкил этилгани хабар қилинганди.

Афсуски, аксарият ҳолларда раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолаётир. Ҳеч қандай натижа бермайдиган мажлислар ходимларнинг фойдали ишга сарфланажак қанчалаб вақтини ўғирлаётгани, ортиқча харажатлар, асаб-бузарликлар, ишчан меҳнат кайфиятининг пасайиши, ташаббускорликнинг йўқолишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

«Мажлис кўп бўлса, ишлаётганимиз кўринади»

Хайрон қоласан киши, раҳбарларга «йиғилиш қилма, мажлис ўтказаверма», деб шунча танбех, шунча дакки берилляпти. Лекин нега улар кўрқмай билганларини қилишляпти? Ҳали-ҳамон баъзи раҳбарлар: «Қанча кўп мажлис ўтказиб, топшириқ берсак, шунча яхши ишлаётганимиз кўринади», деган нотўғри тушунчага эга бўлиб қолаётгани эса ачинарлидир. Президент ҳам, Бош вазир ҳам мажлисбозликни камайтириш ҳақида бир неча бор такрорлаганидан кейин ҳам бу ишлар давом этаётганини қандай тушуниш мумкин? Қолаверса, йиғилиш ўтказиш учун Бош вазирдан рухсат олиш керак, дейилган. Хўш,

юқоридаги ҳолатларда йиғилиш ўтказишга рухсат берилганми?

— Мажлисбозлик — анча жиддий муаммо, бунга социологик тадқиқот ўтказиб, яна бир бор амин бўлдик, — дейди **Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти бўлим бошлиғи Н.Норбоев**. — Сўрономада ҳудудлардаги 208 нафар давлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Респондентларнинг 61,1 фоизи баъзида бир кунда ўрта ҳисобда 2-4 ва ундан ортиқ марта мажлисларда қатнашишини(!), 62 фоизи эса мажлислар бир-бирига уланиб кетишини (!) билдирган. 52,4 фоиз респондент иш вақтидан ташқари соатларда йиғилишлар ўтказилаётганини маълум қилган. Ҳудудларда давлат ташкилотлари томонидан дам олиш кунларида йиғилишлар ўтказиш амалиёти ҳам сақланиб қолмоқда. Респондентларнинг 54,4 фоизи (!), яъни ярмидан кўпи бевосита ўз иш фаолияти йўналиши билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларда қатнашишга мажбур!

Йиғилишлар мажбурий характерга эга, 47,6 фоиз респондент мажлисларга вақтида келмаган ёки умуман қатнашмаганларга нисбатан чора кўриш амалиёти жорий қилинганини билдириб ўтишган.

Рақамлардан ҳам кўринадики, амалий аҳамиятга эга бўлмаган йиғилишларга чек қўйиш керак: мажлисларда фақатгина ташаббускорларнинг ўзлари ёки ўзига керакли маълумот олмақчи бўлган ходимлар иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Назаримизда, бунинг учун, энг аввало, **раҳбарларнинг дунёқараши ўзга-**



риши керак. Бусиз иложи йўқ. Қолаверса, бу ўринда касабаяшмалари ҳам энди «улоқни қўлга олиши» зарур. Ахир уни **раҳбарларнинг қош-қовоғига қараб эмас**, қонун ҳужжатларида ёзилганидек, ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини амалда ҳимоялай оладиган мустақил тузилмага айлантириш фурсати етмадими?

Меъёрдан ортиқ меҳнат ҳеч кимга фойда бермайди

Муаммо фақат мажлис ўтказиш билан чекланмайди. Ходимларни ярим тунгача ишлатиш, ҳатто аниқ бир топшириқ бўлмаса-да, раҳбар уйига кетмагунча иш жойида ушлаб туриш (аксарият мулозимлар ярим тунгача кабинетда қамалиб ўтиради, гўё қўли бўшамаётгандек), якшанба кунлари ҳам ишга чақиришдек иллатлар йўқолмаяпти. Профессиял давлат хизматининг мавжуд эмаслиги, давлатнинг иқтисодиётдаги ўта катта иштироки ва «**бошлиққа ҳурматга**» асосланган идора маданияти бунинг асосий сабабларидир.

Бироқ бу билан самарадорликка эришиш мумкинми? Албатта, йўқ. Орада меҳнат қонунчилиги ижроси бўйича рейдлар ҳам ўтказилди. Аммо назорат яна ўлда-жўлда қолди. Боз устига, рейдлар вақтида вазирлик ва идоралар ходимлари раҳбарлар топшириғи билан чироқларни

ўчириб, иш фаолиятларини ярим тунгача давом эттираверишганига нима дейсиз... Хуллас, ҳозир ҳаммаси яна аввалгидек, бироқ бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Мажлисбозлик, қоғозбозлик давом этаверар экан, **номимиз янгию, тутумимиз эскича бўлиб, бир жойда депсиниб тураверамиз.**

— **Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1935 йил 21 июнда Женеведа имзоланган «Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида»ги Конвенцияга, демакки, халқаро ҳужжатга қўшилган, — дейди таниқли юрист Саидали Мухторалиев.** — **Ўтган асрнинг 35-йилларидаёқ халқаро ҳамжамият ҳар бир меҳнаткаш инсоннинг темирдан ясалмаганини эътироф этган. Ҳафтасига 40 соатлик иш вақтини ҳар бир меҳнаткаш учун норма сифатида қабул қилган. Ундан ортиғи иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам зарар ва самарасиз эканлиги тўғрисида хулоса қилинган. Ходим қанчадир давр мобайнида бу нормадан ортиқ вақт ишлаши мумкин, лекин узлуксиз, иш вақтидан ортиқча зўриқиб ишлаш кейинчалик ундаги жисмоний имкониятни, шижоат ва ғайратни ҳамда ишга бўлган меҳрни сўндиради, ходим ўз ишидан тобора совиб қолади. Ишдан кейин 3-4 соат қолиб минг ишласин, барибир ўша нормал 8 соатлик**

ДАРВОҚЕ...

АҚШнинг «SUNY» тиббиёт университети олимлари тадқиқот ўтказиб, мажлислар инсоннинг муаммога ечим излаш кўникмасини, яъни фаолият самарадорлигини тушириб юборишини аниқлашди. Ҳадеб мажлисларга қатнайдиган инсонларнинг фикрлаш доиралари торайиб, ташаббускорлик шаштлари пасаяр экан. Бу инсонлардаги тушкунлик, умидсизлик даражаси ошиб кетади.

иш вақтидаги барака бўлмайди.

Амалдаги Меҳнат кодекси бўйича ходимларни дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Бироқ айнан шу кодексда ишлатиш тақиқланиши ёзилган модданинг давомида иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилиши ёзилган. Кодексда ушбу алоҳида ҳоллар нималардан иборат экани, раҳбарларнинг йиғилишлар ўтказиши бундай истисноларга кириши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Нега валломатлар ўртага олиб, сўроқ қилинмайди?

Мутахассисларнинг фикрича, давлат идораларида меҳнат қонунчилигининг нормалари ва ҳукуматнинг тақиқи иш бермаётганига бир нечта сабаблар бор. Жумладан, мамлакатда **меритократия (таниш-билиш эмас, қобилият) асосида шаклланган профессионал давлат хизмати йўқ.** Сифатли ва самарадор давлат аппаратининг шаклланишига ҳуқуқий асос яратиши мумкин бўлган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун турли сабабларга кўра қабул қилинмаяпти. Қолаверса, давлатнинг иқтисодиётдаги ишти-

рокини кескин камайтириш керак, шунда балки прокурорлар ҳам фермерларга ерни қачон суғориб, унга қачон кимёвий препарат сепиш каби масалаларда йўл-йўриқ берадиган селектордан қутулиб, одам каби дам олар, бошқа мулозимларга ҳам юклама камаярмиди.

Мулозим карьерадан ташқари, ўз ишидан маъно топиши лозим, жамоат учун манфаатли иш қилаётганини ҳис этиши керак. Демак, профессионал давлат хизматини тузишнинг ўзи етмас экан. Шунга муносиб **идора маданияти ҳам шаклланиши керак.** Лекин бу муайян вақт талаб этгани учун Ўзбекистонда яқин орада минглаб мулозимлар дам олишсиз ишлашда давом этишини тахмин қилиш мумкин.

Бироқ бу ўринда бир нарса қизиқ: нима учун депутатлар, сенаторлар ярим кечаси, дам олиш куни мажлис ўтказадиган валломатларни ўртага олиб, сўроқ қилмайди? Нега бу масалани назоратга олмайди? Ахир, бу ҳам катта дардимиз-ку. Қисқаси, бу масалада кескинроқ чора, жудаям кескин чора қўллайдиган фурсат етди, назаримизда. Йўқса, улар учун **Меҳнат кодекси ҳам, берилаётган дақкилар ҳам бир тийин бўлиб қолаверади.**

С.ИБРОҲИМОВ.

АНИҚ МАНЗИЛЛАР РЕЕСТРИСИЗ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Жорий йилнинг шу давригача Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлардан 37 минг 379 та мурожаат келиб тушган. Улар, асосан, кредит олиш, электр энергияси ва газ таъминоти, экспорт ва импортда юзага келаётган масалалар, эркин иқтисодий зоналардаги коммуникация тизимларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

Бугунги дунёда манзиллар билан боғлиқ муаммолар ўта жиддий масалалар сирасига киради. Зеро, почтадан тортиб, спутник JPS хизматларигача ана шу кўрсатилган адресларга асосланиб ишлайди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ва ҳатто бутун мамлакат — бу кўчалар, бинолар, боғлар ва бошқа объектлардан ташкил топган мураккаб тизимдир. Керакли жойни топиш, юкларни ўз вақтида етказиб бериш ёки кимдир хавф остида бўлса, унга ёрдам кўрсатишни осонлаштириш учун бу жойларни қандайдир ном билан аташ зарур. Бу учун аҳоли пунктларига манзиллар реестри керак. Ҳўш, мазкур масала мамлакатимизда қай даражада ҳал этилган?

Аниқ манзил инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин

Биламизки, чекка қишлоқларда ҳамон манзилсиз хонадонлар ва, ҳатто мактаб, боғчалар бор. Аҳоли зич жойлашмаган ҳудудларда буни қисман тушуниш мумкин. Аммо муаммо, ҳатто пойтахтимиз Тошкентда ҳам жиддий тус олган. Айнан шунинг учун шаҳарларга манзиллар керак. Мазкур масалада Рақамли ривожланиш департаменти фаолият олиб боради.

— Рақамли ривожланиш департаменти Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ташкилот-



дир, — дейди департаментнинг картография ва топонимика бўлими бошлиғи Анвар Жабборов. — Биз шаҳар раҳбариятига аҳоли иштирокида умумий қарорларни қабул қилиш ва одатий жараёнларни рақамлаштиришда ёрдам берувчи воситаларни яратамиз. 2020 йилда биз Тошкент манзилларнинг онлайн каталогини яратиш устида иш олиб бордик. У коронавирус пандемияси пайтида кўнгиллиларга муҳтож оилалар учун озиқ-овқат етказиб беришда ёрдам берди. Шунингдек, «Sog' bo'ling» хизматини ишга туширдик, бу эса беморларга пойтахтдаги касалхоналарда COVID-19дан даволашни сифатини баҳолаш имконини берди. Ҳозирги пайтдаги сўнгги лойиҳамиз Тошкент аҳолисига шаҳардаги муаммолар тўғрисида очик гапиришга имкон берувчи «Xalq Nazorati» хизматидир. Умуман олганда, Тошкентни замонавийлаштириш учун бир нечта фойдали хизматларни яратишга муваффақ бўлдик. Департамент Тошкентдаги манзиллар

билан шунчаки шуғулланмайди. 2020 йил март ойида Президент пойтахтда рақамли технологияларни кенг жорий этиш тўғрисида қарор имзолади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Рақамли ривожланиш департаменти Тошкент учун ягона манзиллар реестрини ишлаб чиқиши керак.

Янги қурилишлар манзиллар реестрини чалкаштиряптими?

Мутахассиснинг айтишича, архивларни замонавий хариталар билан таққослаганда, кўплаб муаммолар мавжудлиги аниқланмоқда. Улардан бири — Тошкентда қурилиш ишларининг ўсиш суръати билан боғлиқ. Мисол учун, биргина 2019 йилда пойтахтда 450 тадан зиёд кўп қаватли уйлар қурилди. 2020 йилда уларнинг сони 140 тадан ортиқ. Янги тураржой бинолари ва бошқа бинолар кўчалар ва мавзеларни ташкил этади. Кўчалар ва мавзелар эса географик объектлардир. Ҳар бир шундай объектга ном берилиши, улар экспертизадан

ўтказилиши ва Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилиши керак.

Бу иш билан Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича комиссиянинг туман ва шаҳар бўлинмалари шуғулланиши керак. Аммо комиссиядаги жараёнлар тегишли даражада ташкил этилмаган. Бундан ташқари, Тошкентда ва унинг туманларида географик объектларнинг ҳисобини тўғри юритиш учун масъул бўлган доимий ишловчи ходим йўқ. Одатда, бу ишлар билан комиссия ҳудудий бўлинмаларининг котиблари шуғулланади, улар эса қайдларни тўғри юрита олмайди, чунки қайдларни юритиш учун зарурий регламент мавжуд эмас.

Географик объектлар номларининг ҳисоботини юритиш зарур. Зеро, бу географик объектларга — кўчаларга, тор кўчаларга, боғларга бир аҳоли пунктида айнан бир хил ном берилишининг олдини олади.

Манзиллар ҳисобининг юритилмаслиги сабабли шаҳарда бир хил номдаги кўчалар пайдо бўляпти. **Масалан, Махтумқули кўчаси: шу номдаги кўчанинг бири Шайхонтоҳур туманида, иккинчиси Яшнобод туманида жойлашган.** Шайхонтоҳур туманидаги Совхозная кўчасининг номи 1960 йилда Махтумқули деб

ўзгартирилди. Аммо кейинчалик шу ном бошқа кўчага ҳам берилди. **Ҳозирда Тошкентда бир хил номдаги 20 дан ортиқ жой ва юзлаб бир хил манзиллар мавжуд.**

Бюджет бўйича ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Биноларга кўча номи ва рақам белгиларини (кўча пештоқларини) ўрнатиш Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бошқарма берган маълумотларга кўра, 2020 йилда 30 мингдан ортиқ биноларнинг 18 мингдан зиёда кўча пештоқлари ўрнатилган. **Ҳозир Тошкентда яна 12 минг 237 та кўча пештоқлари ўрнатиш лозим.** Бунинг учун деярли 430 миллион сўм ажратиш керак. Аммо 2020 йилда кўча пештоқлари учун атиги 14 миллион сўм ажратилди — бу зарур бўлган пул миқдоридан 30 баравар кам. Буларнинг барчаси шаҳардаги кўплаб биноларнинг умуман белгисиз қолишига олиб келди.

Алало қибат...

Юқоридаги каби муаммолар нафақат Тошкентда, балки бутун республикамизда бор. Бу эса юртимизда рақамли технологиялар ривожини ва бошқа қатор соҳаларда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, масалага жиддий ёндошмоқ лозим.

Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ — АСОСИЙ МУАММОМИЗ»

Бугунги кунда маҳалламизда 3 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий тирикчилиги — деҳқончилик ва чорвачиликдан.

Биласиз, Сўх тумани азалдан сабзавотчилик ва боғдорчиликда ном чиқарган. Ҳозирда асаларичилик ривожланиб бормоқда. Ҳудудимиздаги асосий муаммолардан бири, бу — меҳнат миграцияси билан боғлиқ. Ҳозирда 300 нафардан ортиқ фуқаромиз чет

элларда ишляпти. Мигрантларнинг асосий қисми Россия Федерациясида. Муаммони ҳал этиш учун турли усуллардан фойдаланиляпти, барча ҳудудларда бўлгани каби бизда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилган.

Аммо бу ҳали кам деб ҳисоблаймиз.

Биз жуда чекка бир қишлоқмиз. Фарғона, Сўх шаҳарларидан анча олисда, тоғлар орасида жойлашганмиз. Шу боис савдосотик, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни катта бозор-

ларга етказиш муаммо саналади.

Жорий йилдан ёшлар учун Риштон ва Ёзёвон туманларининг серсув ерларидан ажратишни йўлга қўйдик. Бунинг учун мазкур туманлар ҳокимликлари билан келишувлар тузилган. Ҳозирча 60 гектар шундай ерлар

бўлиб берилди. Ўйлайманки, бу ҳаракатлар ишсизликнинг ечим топишида муҳим роль ўйнайди.

Зайлидин САЛОҲИДИНОВ,
Сўх туманидаги «Қизилқиёқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Халқимизда ҳаётий бир ибора бор: қарс икки қўлдан чиқади. Айниқса, сўнгги вақтларда коммунал хизматларга тўловлар масаласида тез-тез шу ибора ишлатилмоқда: «Фойдаландингми, тўлаб қўй!» Албатта, бугун одамлар тўлов интизомига анча-мунча ўрганди.

ҚУРУҚ БАЁНОТЛАР

ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЧАРЧАТДИ

Коммунал тўловлар нархи қанча ошиб бормасин, одамлар тўлаяпти. Тўламаса, ундириб олинмоқда. Бироқ шунга яраша кўрсатилаётган хизматлар сифати одамлар, тўғрироғи, бугунги кун талабига жавоб бераётганими? Ошиб бораётган нархлар аҳоли даромадларига мутаносибми?

Хизмат кўрсатиш талабга жавоб берадими?

Аҳолини тоза ичимлик сув, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, йўллар, телефон ва интернет алоқаси билан таъминлашни яхшилаш юзасидан аниқ қарор ва кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижроси учун маблағлар ажратилмоқда. Зарур ҳолларда хорижий кредитлар жалб қилинмоқда. Аммо «инсон омили» деган тушунча пайдо бўлдики, давлат раҳбарияти томонидан қабул қилинган қарор, фармон каби кўрсатмалар ё тўлиқ бажарилмапти ёки унинг моҳияти ўзгартириб юборилмапти. Лекин охир-оқибат **реал вазият яхшиланмапти, айнан коммунал соҳадан шикоятлар камаймапти.**

— Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилишнинг, айниқса, пандемия ва дунёда кечаётган иқтисодий инқироз даврида имкони йўқлигини тушуниш мумкин, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Палатаси Ворисова.** — Лекин яширмасдан, ёлғон аралаш-

тирмасдан, ҳар хил баҳоналар тўқимасдан ҳақиқий ҳолат ҳақида ахборот бериш шунчалик қийинми? Фикримча, коммунал соҳага масъул мутасаддилар кейинги йилларда реал иш ўрнига, кўпроқ чиройли баҳоналар ўйлаб топишга уста бўлиб кетдилар. «Тизим ўзи эски эди», «маблағ берилмас эди», «ҳали ҳам амаллаб турибмиз», деганга ўхшаш қуруқ баёнотлар жамоатчиликни чарчатди, эҳтимол, шунинг учун норози кайфиятдаги фикрлар кўпайди.

Баландпарвоз гаплардан ҳеч кимга фойда йўқ, аниқ таклифлар керак. Бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, коммунал хизмат турлари бўйича ҳар бир абонент билан ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, **юридик статусга эга бўлган шартномалар тузилиши керак.** Шартномада ҳар иккала томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартнома моддалари бузилган ҳолатда кўриладиган чоралар аниқ белгилашни ва иккала томоннинг манфаатлари ҳимояланиши лозим. Шунингдек, фуқароларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар тури, ҳажми, тарифлари қонуний белгилашни, бунинг учун коммунал хизматлар ва тарифлар тўғрисида **қонун қабул қилиниши керак.**

Қолаверса, аҳолининг фойдаланган коммунал хизматлари ва тўланган маблағлар ҳақида маълумотлар **шаффофлигини таъминлаш**, тизимни **тўлиқ рақамлаштириш** зарур. Аҳолининг



кам даромадли ва ёрдамга муҳтож қатлами учун асослантирилган **имтиёзлар тизими**ни шакллантириш керак. Ҳудудларда соҳа фаолиятини халқ депутатлари **маҳаллий Кенгашлари назоратига олиш**, соҳа раҳбарларининг **ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш** тўғри бўлади.

«Халқ назорати» назорат қила оладими?

Очиғи, ҳар йили одамларнинг уйида, иш жойида чироқ ўчади, газ босими пазаси кетади, масъул ташкилотлар баёнотлари эса деярли ўзгармайди. Демак, энди тизимни ўзгартириш ҳақида ўйлаш вақти келди. Айтиш керакки, бугунгача аҳолининг айна соҳадаги муаммолари қоғоз журналларга қайд этиб келинган. Сўнгга улар тоифаларга бўлиниб, қўлда «Excel» ҳужжатга киритилган. Шундан сўнг, маълумотлар масъул идораларга юборилган.

Ўз навбатида, ҳар бир шаҳар идораси ўз дафтари юритган. Мисол учун, газ, сув, электр, иссиқлик ташкилотлари алоҳида-алоҳида дафтарлар шакллантирган. Натижада ҳаммининг ўз дафтари ва ҳужжатлари мавжуд бўлган. Шундай ҳолатлар кузатилдики, битта масалада икки ташкилотнинг маълумотлари турлича чиқар, ҳар иккиси масалани ўзларича талқин қилиб маълумот киритарди. Қолаверса, муаммолар-

ни қайд этиш, уларнинг ҳал қилинган-қилинмаганини аниқлаш жуда қийин эди. Бутун жараён жуда узоқ — баъзан бир неча ой давом этган.

— **Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Халқ назорати» хизмати ишга туширилди, — дейди лойиҳа раҳбари Ойбек Ниёзов.** — Унинг ёрдами билан тошкентликлар йўлларнинг ҳолатидан шикоят қилишлари, бузилган лифт ёки ишламайдиган светофор ҳақида маълум қилишлари мумкин. Биз муаммолар ҳақидаги маълумотларни тегишли идораларга етказамиз ва улар ушбу муаммоларни ҳал қилишади. Тизимда ҳамма нарса осон: ягона маълумотлар базаси, ҳар бир идора учун шахсий кабинетлар, муаммолар онлайн келади, уларни бир-икки марта тугмага босиш орқали кўриш ва ечилганини белгилаш мумкин. Платформанинг ўзи муаммоларни саралайди ва керакли идоранинг шахсий кабинетига йўналтиради. Идоралар муаммоларни унуттиришдан сақлаб туривчи таймерлар мавжуд. Ва энг муҳими, шикоят муаллифи ўзи тасдиқламагунча, муаммони ҳал қилинган, деб белгилашнинг имкони йўқ.

Ҳозир сув, газ ёки электр қуввати узилиши тўғрисида огоҳлантириш тизимини яратиш режалаштирилмоқда. Мисол учун, баъзида «авария»лар содир бўлади ва шу сабабли бирор жойда

чироқ ўчади. Одатда, одамлар нима бўлганини ва электр қачон тузатилишини билишмайди. Агар улар «Халқ назорати»да рўйхатдан ўтган бўлса ва ҳодиса таъсир қилган уйларда яшашса, огоҳлантириш тизими бу ҳақда уларга хабар беради. Бундан ташқари, ушбу хизматни нафақат Тошкент аҳолиси, балки мамлакатнинг барча фуқароларига ёрдам берадиган даражада бутун мамлакат бўйлаб миқёсини кенгайтириш режалаштирилган.

Нархлар хизматга мутаносибми?

Яна бир жиҳат бор — коммунал хизматлар нархлари тез-тез ошиб туради. Айрим ҳолларда бундай вазият йилига икки марта ҳам кузатилиши мумкин. Бироқ бу қийматлар қаердан келиб чиққани, қандай омил эътиборга олингани доимо номаълум бўлиб келган. Тариф ошиши борасида аҳоли бир ой олдин огоҳлантирилади. Аслида, огоҳлантириш хабарида нарх ошиш сабаблари аниқ ва асосли тарзда кўрсатилиши керак эмасми?!

Бугунги иқтисодий шароитимиз ва имкониятимизни ҳисобга олсак, нарх ўсиши табиий. Биз ҳам кўр-кўрона тарзда нархни пасайтириш керак, демоқчи эмасмиз. Аҳоли коммунал тўловларни бола-чақаси ризқини қийиб бўлса ҳам, кечикиб бўлса ҳам тўлаяпти. Аммо коммунал ташкилотлар

хизматидан одамлар розими? Халқ розилиги учун нималар қилиш керак?

Энг аввало, иситиш мавсуми бошланиши ва тугашини қайта кўриб чиқиш, иситиш таъминотида ҳароратни об-ҳавога қараб баланслаштирувчи тизимни жорий этиш, марказлашган иситиш тизимидан «якка кўп қаватли уй» ёки «якка хонадон» иситиш тизимига ўтадиган пайт келди. **Қолаверса**, 40 °C дан паст бўлганда иссиқ сув учун тўлов совуқ сув тарифи бўйича амалга оширилиши керак, деган қоида амалда ҳам ишлаши керак-да. Ахир жўмракини очиб, иссиқ сув исиши учун қанча сув оқизишингизни ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг!

Шунингдек, бутун дунёда маиший чиқиндиларни олиб кетиш нархи одам сонига эмас, чиқариладиган чиқинди массасига қараб белгиланган. Бизда-чи, прописка бўйича «мусор» чиқарасизми-йўқми, барчага бир хил. Чиқиндилар эса ҳафталаб «дом» атрофига ноҳуш ис таратиб тураверади. **Бундан ташқари**, уй-жой ширкатлари хизмати (сифати ҳақида гапириш эрта) билан боғлиқ муаммолар алоҳида мавзу. Сўнгги йилларда ширкатларга тўлов нархи қарийб икки баробарга ошиб кетишида уларнинг ба-жарилмаган ишга пул ёзиши, арзимас ишга осмон нарх қўйиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Хулоса шуки, коммунал соҳа раҳбарлари фақат қарздорликни ундириш билан эмас, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш борасида ҳам ўйлаб кўришса, яхши бўлар эди. Майли, нархлар босқичма-босқич ошиб борсин. Аммо пулига яраша сифат ҳам ошсин-да.

Иброҳим Пўлатов.

ЭЪЛОН

Корабаев Ахроржон Артикбаевичга 1987 йилда Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 213-умумтаълим мактаби томонидан берилган А №364770 (рўйхат рақами 262) рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭСКИЧА УСУЛЛАРДАН ВОЗ КЕЧА ОЛМАЯПМИЗ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммолардан бири — экин ерларида тупроқнинг ҳаддан зиёд кимёлаштирилишидир. Ривожланган мамлакатларда ўсимликларни кимёлаштиришга эмас, табиий усулларда етиштиришга кўпроқ аҳамият қаратила бошлаган. Яъни тупроқдаги фойдали бактериялар тўплаб олинадилар ва улар қайта ишланиб, ўсимлик танасига юборилади.

Мисол учун, биоазот азотли ёки фосфорли ўғитлар ўрнида қўллаш учун таклиф этилган биологик воситадир. Биовоситамиз асосини тупроқда мавжуд бўлган тирик организмлар ташкил этади. Асосий хусусиятларидан бири — ҳаводаги азотни ўзлаштириб, ўсимликка озуқа сифатида етказиб бериш.

Саноатда минерал ўғитлар, азотли ўғитлар ҳаводаги азотни суюқлантириш ва кейинчалик азотни кетма-кет оксидлаш, кейинги кимёвий реакциялар орқали минерал ўғит ҳосил қилинади. Тирик организмларда ҳам моҳиятан шундай жараён.

Органик маҳсулотга ўтиш даромадни оширади

Кимёвий ўғитлардан воз кечиш, фақат табиий йўл орқали ўсимлик дунёсини ривожлантириш мумкинми? Хоҳлаймизми-йўқми, бу тизимга ўтиш учун маълум бир вақт, кўникма талаб этилади. Бунгача кимёвий йўлдан фойдаланиш



мумкин. Фақатгина анъанавий эмас, балки ноанъанавий усулларни қўллаш керак. Мисол учун, ўсимликни баргидан озиклантириш мумкин. 200 кг. карбамидни тупроқдан бергандан кўра, 5 кг. карбамидни сувда эритиб, суспензия ҳолатида баргидан бериш мумкин. Мана шу усулларда ишлаб, секин-секин кимёвий усуллардан воз кечшимиз керак.

Сабаби қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда, хусусан, Нидерландия, Хитой, Япония каби давлатларда органик маҳсулотларга талаб жуда юқори ва бу анъанавий усулда олинган маҳсулотларга нисбатан бир неча баробар қиммат. Масалан, анъанавий усулда пахта толасидан тў-

қилган сочиқ 1 доллар бўлса, органик пахта толасидан тўқилган сочиқ 3 доллардан сотилади. Демак, органик маҳсулотга ўтиш нафақат сарф-харажатни камайтириш, балки фойда-даромадни ҳам бир неча баробарга оширишга хизмат қилади.

Инфраструктура бинолари бузилиб, ўрнига уйлар қуриляпти

Афсуски, ҳозирги шароитлар қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини бермайди. Мисол учун, лабораторияларимиз моддий-техника базаси ҳалигача янгилангани йўқ. Тадқиқотларимизни чет элларга бориб қи-

либ келишга мажбур бўляпмиз.

Ўзим 8 йил атрофида Хитой Фанлар академияси институтларида ишладим. Олимларимиз салоҳияти етарли. Четдан мутахассис олиб келгандан кўра, аввал ўзимизнинг олимларга имконият яратишимиз зарур. Лекин кўпчилик раҳбарларимиз ҳозирги сиёсатимизни тўшунмаяптими, уларнинг айрим хатти-ҳаракатлари бизни хайрон қолдиради.

Мисол учун, мен фаолият юритаётган ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг инфраструктураси ҳисобланган бинолар бузилиб, ўрнига уйлар қуриляпти. Биз тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, бироқ ҳеч қандай ўзгариш сезаётганимиз йўқ.

Аллақачон эскирган усуллар ҳали бизга кириб келгани йўқ

Қишлоқ хўжалигида Нидерландиянинг бир йиллик даромади 110

миллиард долларга чиқди. Ушбу мамлакатда деҳқончиликнинг ҳар бир муаммоси — молекуляр биологиядан бошлаб, ўғитлашгача бўлган жараён фундаментал ўрганилади.

Соҳадаги оқсашимизда қайсидир жиҳатдан илмий-тадқиқот институтларимизнинг айби ҳам бор. Мавзуни тўғри танлаш олимаслик, эски мавзуларга ўралашиб юриш. Биз ҳалиям эски методлардан фойдаланиб юрибмиз.

Дунё мамлакатлари аллақачон эски деб ҳисоблайдиган усуллар ҳали қишлоқ хўжалигимизга кириб боргани йўқ. Эскича усуллардан воз кеча олмаяпмиз. Агар шу усулларнинг ўзи кириб борса, қишлоқ хўжалиги даромади келтирувчи соҳага айланади. Мисол учун, ҳатто қумдаям ҳосил олиш мумкин. Бироқ илмий ютуқларни жалб қилмасдан туриб, қишлоқ хўжалигимизда инқилоб ясашимиз қийин.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
биология фанлари доктори.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ЭНГ КАТТА МУАММО — ИЧИМЛИК СУВ

Маҳалламиз ҳудудида 7 та қишлоқ жойлашган. Аҳоли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Чўлли ҳудуд бўлгани учун лалми экинлар экилади. Фермерлар, кластерлар ва қурилиш билан шуғулланадиганлар аҳолини мавсумий иш билан таъминлашади.

Бундан ташқари, эркин иқтисодий зона бор. У ерда кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Яқин кунларда текстиль ишлаб чиқариш корхонаси очилди. Хотин-қизлар ушу корхонада ишлаши учун ўқитиляпти.

Муаммо бор. Энг катта муаммомиз — ичимлик сув. Аҳолининг 60 фоизиди сув йўқ. Ҳар ҳафта машинада келиб сотиб кетишади. 100 литр сувни 5 минг сўмдан оламиз. Сув келтириш учун лойиҳалар қилинган. Аммо ўтган йилдан бери ишлар тўхтаб турибди.

Маҳалламиз 1996 йилда ташкил топган бўлиб, ҳанузгача идорамиз йўқ. Трансформаторлар етишмайди. Кўчаларимиз жуда ёмон ҳолатда.

Таклиф. Ҳудудимиз жуда катта. У қишлоқдан бу қишлоққа бориб келишнинг ўзи бўлмайди. Шаҳар жой бўлса экан, такси қатнаб туради десак. Шу боис бундай ҳудуддаги раислар учун хизмат машиналари ажратилса, ёмон бўлмасди.

Ҳикмат ШОДИЕВ,
Пахтачи туманидаги «Фай» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...?

«АЁЛИМ ҲОМИЛАДОР, АЖРАШСАМ БЎЛАДИМИ?»

— Маълум сабабларга кўра, аёлим билан ажрашмоқчиман. Бироқ у ҳозирда ҳомиладор. Шундай вазиятда суд бизни ажратадими?

Икром АЛИЕВ.
Сирдарё вилояти.

Севара ЗОКИРОВА,
Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими:

— Йўқ, ажратмайди. Оила кодексининг 39-моддасига кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. Эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтариди боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Хотиннинг никоҳдан

ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан қўзғатилишига тўсқинлик қилмайди. Демак, юқорида келтирилган асосларга кўра, хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза берган тақдирингизда аризангиз кўрмасдан қолдирилади.

ФИРРОМ ЎЗБЕККА ЯРАШМАЙДИ

Ўтган ҳафтанинг муҳим, аммо кўнгилни хира қиладиган воқеаларидан бири сифатида Ўзбекистон сузиш федерацияси бош котиби Алишер Ғаниевнинг вақтинча ишдан четлаштирилгани тўғрисида хабарларнинг тарқалганини келтириб ўтиш мумкин.

Қатор хорижий спортчи, ташкилотлар томонидан Ўзбекистонлик спортчиларнинг фирромликда айблангани «Токио-2020» Олимпиадаси бошланиши фониди содир бўлди. Алпомиш авлодларига ярашмайдиган бу ҳолат кенг муҳокама қилингани, ҳатто чет элларда шов-шув бўлганига қарамай, расмийлар ҳали охириги нуқтани қўйгани йўқ.

Ўзи нима бўлганди?

Келинг, бир бошидан бошлайлик. Воқеалар анча олдин, баҳор ойларида бошланган эди. 21 апрель куни ҳиндистонлик спортчи Ликит Селвараш Према «Youtube»да видео эълон қилди. Унда Ўзбекистонлик спортчилар фирромлик йўли билан Олимпиадага йўлланма олгани маълум қилинган. Преманинг фикрича, Туризм ва спорт вазирлигининг тақвим режасидан ўрин олган, Халқаро сузиш федерацияси (FINA) шафелигида ўтказилган сузиш бўйича лицензион Ўзбекистон очик чемпионатида маҳаллий ташкилотчилар Ўзбекистонлик спортчиларнинг натижаларини сунъий яхшилаб қўйиш орқали уларга йўлланма ни тақдим этишган.

«Масалан, Алейсей Тарасенконинг 100 метрга эркин усулда сузиш бўйича натижаси 48,55 сония деб кўрсатилди, бироқ унинг асл натижаси 51 сония эди», дейди Према ва бунга исбот сифатида видео ҳам кўрсатган.

Ҳиндистонлик спортчининг айтишича, натижалар, асосан, финал босқичи бўлмаган эрталабки баҳсларда ўзгартирилган. «Ваҳоланки, спортчи энг яхши кўрсаткичини финал баҳсларида қайд этади», деган ҳиндистонлик сузувчи. Према ташкилотчиларнинг эътиборини тортиш учун ўзига хос собатаж уюштилади. У 200 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида стартга чиқмайди ва шу тариқа ташкилотчилар эътиборини тортишга уринади. Бироқ спортчининг айтишича, бу исён тескари эффект бериб, унга босим қилиш бошланади. Спортчига кўра, вазият шунчаликка борадики, ташкилотчилар Према стартга чиқмагани унинг яхши эшитмаслиги ва старт сигналини англамагани билан боғлиқлиги ҳақида тиббий маълумотнома олишга ҳаракат қилишади. Бу борада суриштирув ўтказиш бўйича сўровга жа-



вобан ташкилотчилар ҳиндистонлик спортчи қолганларнинг натижасига «қора ҳасад» қияпти, деб айтишади.

Бу ҳолат бўйича ҳеч қандай аниқ маълумот мавжуд эмас, бироқ Ўзбекистон сузиш федерацияси Халқаро сузиш федерациясидан изоҳ сўрагани, Лозаннадаги спорт арбитраж суди эса Ўзбекистон томонининг арзини рад этгани аниқ. Преманинг арзидан кейин бошланган суриштирувдан кейин 3 нафар Ўзбекистонлик спортчининг натижалари бекор қилинди.

Олимпия кўмитаси нима дейди?

Миллий Олимпия кўмитаси тақдим қилган маълумотларга кўра, кўмита фаолияти давомида доимо олимпизмининг эзгу ғоялари ва спортдаги ҳалол рақобатни тарғиб қилиб келган. Ўзбекистон очик чемпионатида юз берган вазият катта

муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Қайд этиш жоиз, лицензион Ўзбекистон очик чемпионатларига МОҚ раҳбарияти доимий таширф буюриб турган, тезкор штаб вакили Мирсардор Алимов ҳам мусобақани мунтазам кузатиб борган. Мусобақадан сўнг шу ернинг ўзида кичик йиғилиш ташкил этиб, тайёргарлик жараёнини янада кучайтириш, машғулотлар сифатини ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилган.

Турнир якунлангач, Ўзбекистон сузиш федерацияси мусобақалар протоколини МОҚга тақдим қилган ва унда 5 нафар атлетизмининг «Токио — 2020» нормативини бажаргани кўрсатиб ўтилган. Тақдим этилган протоколларда белгиланган қоидаларнинг бузилиши, шу жумладан, кейинчалик ҳиндистонлик сузувчи томонидан қайд этилган воқеа ҳақида

маълум қилинмаган. Шунингдек, бирор хорижий делегация томонидан, жумладан, Ҳиндистон жамоаси томонидан мазкур лицензион турнир бўйича шикоят тушмаган.

Ўзбекистон сузиш федерацияси бир неча бор FINAга тақдим этилган маълумотларга аниқлик киритиш учун хабар йўллаган ва ҳатто бу масала бўйича Спорт арбитраж судига (CAS) мурожаат қилган. Якунда эса халқаро ташкилот йўллаган «Universal Place» асосида фақатгина 2 нафар ҳамюртимиз — Хуршидҷон Турсунов ва Наталья Критинина Токио — 2020 ўйинларига йўлланма олишди.

Нима бўлганда ҳам, минг афсуски, вужудга келган вазиятдан бизнинг спортчиларимиз катта зарар кўришди. Улардан Олимпиададаги иштироки нақд бўлиб турган уч нафари орзусига эриша олмади. Йирик халқаро мусобақага ҳам бугун старт берилмоқда. Энди кўп нарсага кеч бўлиб бўлди. Қолган иштирокчиларимизга омад, юртга шода-шода медаллар билан қайтишларини тилаб қоламиз.

Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ВАЪДАЛАР ШУ ВАҚТГАЧА БАЖАРИЛМАЙ КЕЛЯПТИ...»

Фарғона вилояти маҳаллаларида ичимлик суви муаммоси жуда кучли кўзга ташланмайди. Чунки водий ўзи серсув ҳудуд ҳисобланади. Мавжуд муаммолар ҳам, асосан, кичик ҳажмда кўзга кўринади.

Аммо бизнинг маҳалла мазкур масаладан анчадан буён қийналиб келади. Сув тақчиллиги боис ҳар бир хонадонда махсус ҳовузлар қавланган. Сувни сотиб олиб, шу ҳовузларда сақлаيمиз. 7 тонналик машинадаги сув 70 минг сўм туради.

Мазкур масала билан аввалги раислар ҳам шуғулланишган. Масьуллар томонидан кўплаб марта ваъда-

лар берилган. Лекин масала шу пайтгача ҳал этилмай келяпти. Ҳозирда ер ости сувлари чиқарилган ҳудудлардан бизгача катта қувур тортиб келиш режалаштириляпти. Тегишли идораларнинг маълумотларига кўра, муаммо куз ойларига қадар ечим топиши керак. Аҳолимиз ана шундан умидвор бўлиб турибди.

Ичимлик сув билан бир қаторда суғориш

учун ҳам сув катта муаммога айланган. Илгари бизнинг ҳудудлар Тожикистон давлати томонидан келадиган Ташлама-сойдан суғорилган. Ҳозирда бу сойдан деярли сув келмайди. Натижада деҳқончиликнинг ҳам мазаси йўқ. Меҳнат мигрантлари масаласидаги муаммоларимизнинг асоси ҳам шунга бориб тақалади. Ҳозирда 50 нафар фуқаромиз

Россия ва бошқа давлатларда ишламоқда.

Шунга қарамай, аҳолини иш билан таъминлашда қатор ижобий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ёнгинамиздаги Шўрсув посёлкаси санат зонасига айлантирилмоқда. Ҳозирда бу ерда бешта цемент заводи, бошқа қурилиш ашёлари тайёрлайдиган цехлар ишга туширилган. Жорий йил Германиялик

тадбиркорлар билан ҳамкорликда ДСП ва ДВП ишлаб чиқарадиган корхона очилиши кутилмоқда. Ўйлайманки, тез орада меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларимиз ҳал этилади.

Аъзамжон ХЎЖАМАТОВ,
Ўзбекистон туманидаги «Даханақакир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ ИМИ-ЖИМИДА СОТИБ ЮБОРИЛЯПТИМИ?

Бир ҳафтача аввал Тошкент шаҳри марказидаги Геология музейи биноси сотиш учун аукционга қўйилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, таажжубландим.



Ажабланмай бўладими ахир, мазкур бино Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 декабрдаги «Тарихий, бадиий ёки ўзга маданий қимматлилиги туфайли гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғриси-

да»ги қарорига кўра, кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган давлат мулки ҳисобланади.

Тўғри, Ҳукуматнинг 2019 йил 4 октябрдаги «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида Маданият вазирлиги бундай мулк объектлари миллий рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асосли зарурат пайдо бўлган тақдирда Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклиф киритиб бориши белгиланган.

Лекин қани ўша

асосли таклиф? Нега Маданият вазирлиги қурилганига салкам бир аср бўлган бинонинг аукционга қўйилишига изоҳ бериш ўрнига мум тишлаб ўтирибди? Бундай мавҳумлик ҳар хил миш-мишлар, бўлар-бўлмас тахминлар урчишига йўл очмайдими? Масалан, биров «Геология музейи ими-жимиди сотиб юборилляпти» деса, бу гапга ким жўяли эътироз билдира олади?

Геология соҳасига қизиқадиганлар, росмана геологлар, бу йўналишда таҳсил олаётганлар, умрини маъданшуносликка бағишлаган олимлар бор. Уларнинг хоҳиш-истаги, манфаати заррача қимматга эга эмас экан-да.

Музей экспонатлари, жиҳозлари қаерга кўчирилиши тўғрисида ҳам аниқ-равшан маълумот йўқ.

Президентимиз саъй-ҳаракатлари



Нодир АБДУВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

билан барча соҳалар, жараёнларга татбиқ қилинаётган ошкоралик, шаффофлик баъзи ташкилотларга тегишли эмас, шекилли.

Норасмий гап-сўзларга қараганда, тилга олинган иншоот бузилиб, ўрнига бошқа бино тикланар экан. Бу эса қонунчиликка ҳам зид. Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда давлат муҳофазасига олинган объектларни нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш бўйича жавобгарлик белгиланган. Бинобарин, Маданий мерос департаменти судга мурожаат қи-

лишга ҳақли. Аммо бу ташкилотдан ҳам садо чиқмаяпти.

Ёки масъуллар тарихий объект, маданий мерос деганда, фақат Самарқанд, Бухоро, Хивада жойлашган обидаларни тушунмадикми?

Ҳеч ким ўзгаришларга, янгиликка қарши эмас. Бироқ талай юртдошларимиз учун қадрли, маданий, тарихий қимматга эга машҳур бинони бузиш ёки сотишдан олдин бунинг сабаблари атрофлича баён қилинса, унинг тақдирини ҳал қилиш масаласи кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«2018 ЙИЛГИ ВАЗИФА ҲАМОН БАЖАРИЛГАНИ ЙЎҚ»

Маҳалламизда беш минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий даромади чорвачилик ва трикотаж маҳсулотлари тикишдан шаклланади.

Бизда 15 дан ортиқ оилавий тикувчилик цехлари бор. Уларда замонавий футболкалар, спорт кийимлари, чойшаблар, ёстиқлар келинлар сепи учун бошқа буюмлар тикилмоқда. Шу боис меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларимиз йўқ.

Аммо оилавий ажралишлар масаласида кейинги пайтларда кўнгилсизликлар кузатиляпти. Жумладан, жорий йил учта оила ажралиб кетди. Иккита ҳолат фарзандсизлик билан боғлиқ. Биттасида эса ёшлар бир-бирини ёқтиришмади. Қанча ҳаракат қилмайлик, оилани

сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Фикримча, ажралишларнинг кўпайишига телевидение, интернет тармоқлари орқали енгил ҳаётнинг кўп тарғиб этилаётгани сабаб бўляпти. Ёшлар кино, сериални кўриб, ҳаётни шундан иборат, деган янглиш хулосага боришяпти. Турмуш, оиладан ўша экранда кўрганларини кутяпти. Ҳақиқий дунё, меҳнат, муаммолар билан дуч келганида эса эсанкириб, бунга чидаш, курашишга ҳаракат қилмаяпти.

Муаммоларимиздан асосийси — ички йўлларнинг

асфальт қилинмани билан боғлиқ. 2018 йилда дастурга киритилиб, асфальтлаштирилиши лозим бўлган 13 километр йўл ҳамон битказилгани йўқ. Белгиланганидан фақат 3,5 километригина битказилди. Бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Уйлаймизки, жорий йил бу муаммо ҳал этилади.

Рўзимуҳаммад ЭГАМБЕРДИЕВ,
Учкўприк туманидаги «Пучуғой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИЛАСИЗМИ ?

Реестрга киритилганларга қандай имтиёз бор?

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали кам таъминланган сифатида рўйхатга олинган оилаларга бепул ёки имтиёзли шартларда қўйдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилади:

- давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш;
- мактабгача таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш;
- мактабларда дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш;
- мактаблар ўқувчилари учун қишки кийим-бош бериш;
- айрим фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаблар ўқувчиларини овқатланиш харажатларидан озод этиш;
- санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, «Баркамол авлод» марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш;
- кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез – ортопедия буюмлари билан таъминлаш;
- ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус (амбулатор ёки кундузги) тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!
«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!

Mahalla


ГАЗЕТАСИГА 2022 ЙИЛ УЧУН ЙИЛЛИК ОБУНА БЎЛИБ, СИЗ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСИЗ.

ҲАР БИР ЮТУҚЛИ ҲИЙИНДА

5 та рангли телевизор;



5 та замонавий ноутбук;



5 та кир ювиш машинаси



5 та замонавий музлатгич;

1 та «Nexia 3»
АВТОМОБИЛИ



**КАБИ СОВҒАЛАРДАН БИРИНИ ЮТИБ ОЛИШ
ИМКЕНИГА ЭГА БЎЛАСИЗ**

**АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ
ШАРТЛАРИ ЖУДА ОДДИЙ**

Сиз ҳудудингиздаги **БАНК ФИЛИАЛЛАРИДА** ёхуд **ИСТАЛГАН МАНЗИЛДАГИ «Paynet»** шоҳобчаси ва «Click», «Payme» тўлов тизимлари орқали газетамизга **БИР ЙИЛЛИК** обунани амалга оширасиз. Бунда тўлов варақасида туман ёки шаҳрингиз, маҳаллангиз номи ва исм-фамилиянгиз ҳамда телефон рақамингиз **ТЎҒРИ ВА ТЎЛИҚ** кўрсатилиши шарт. Тўлов варақасидаги маълумотларингиз таҳририят томонидан алоҳида **ТАРТИБ РАҚАМИ** билан белгиланади ва мазкур рақамли маълумотлар «Mahalla» газетасида эълон қилиб борилади.

Берилган махсус рақам орқали Сиз ютуқли тиражимизда **ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА** эга бўласиз.

ШОШИЛИНГ!

**ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЖАМИ 6 МАРТА
ЎТКАЗИЛАДИГАН ЮТУҚЛИ
ТИРАЖИМИЗНИНГ БАРЧАСИНИ СИЗ ҲАР
ОЙНИНГ СЎНГИ ЯКШАНБА КУНИ СОАТ
17:00 ДА «МАНАЛЛА» ТЕЛЕКАНАЛИНИНГ
«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» КЎРСАТУВИ ЖОНЛИ
ЭФИРИДА КУЗАТИБ БОРАСИЗ.**



**МУРОЖААТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР:** (71) 233-10-92
(71) 233-39-89
(97) 146-02-07

Батафсил маълумот:

https://t.me/Xolis_nazar
<https://www.facebook.com/Xolis-Nazar>
https://www.instagram.com/xolis_nazaruz

УНУТМАНГ, АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, СИЗ ҲЕЧ НАРСА ЮТҚАЗМАЙСИЗ —

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА 52 МАРТАБА ХОНАДОНИНГИЗ МЕҲМОНИГА АЙЛАНАДИ!!!

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан
давлат рўйхатидан
ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Илҳом БОЛТАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда. **Нашр кўрсаткичи: 148**

Газета
таҳририят
компьютер
марказида
саҳифаланди ва
офсет усулида
босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табоқ, 7780 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-718 1 2 3 4 5 6